Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ 28 декабрь 1973 йил, жума ◆ № 304 (15.778). ◆ Баҳоси 2 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА КЕНГАШ

24 — 26 декабрь кунлари КПСС Марказий Комитетида совет, чет эл муассасалари вакилларининг марказий идоралар ва КПСС Марказий Комитети бўлимлари раҳбарлари билан биргаликдаги кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгаш қатнашчилари КПСС XXIV съездида қабул қилинган Тинчлик программасини пропаганда қилишни янада активлаштириш масалаларини муҳокама қилдилар, КПСС билан Совет ҳукумати тинчликсевар ташқи сиёсатини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев нутқларида баён этилган муҳим қоидаларни тушунтириш соҳасидаги иш тажрибасини баҳам кўрдилар.

Кенгаш қатнашчилари ҳузурида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари П. Н. Демичев, Б. Н. Пономарев ўртоқлар, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ К. Ф. Катушев, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудирлари П. А. Абросимов, В. Ф. Шауро ўртоқлар нутқ сўзладилар.

ЙИЛИМИЗ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАНМОҚДА

МАСТЕР МАСЪУЛИЯТИ

Мастерларни уста, устоз деб аташ одат бўлиб қолган. Дарҳақиқат ҳар бир касб эгасининг ўз устаси, устози бор. Корхона даргоҳига илк бор қадам қўйган йигит-қиз дастлабки иш сабоғини мастердан олади: уни ўз устаси, устози деб билади. Ёш ишчининг касб ўрганиши, унинг катта коллективда ўз ўрнини топиб олишида мастерлар ҳал қилувчи роль ўйнайдилар.

Шунинг учун ҳам жонажон партиямиз ва ҳукуматимиз корхона мастерларининг масъулиятини ошириш, уларни тарбиялаш, мастерлик маҳоратларини кўтаришга катта аҳамият бериб келмоқдалар. Мастер — ишчининг энг яқин кишиси, маслаҳатгўйи, биринчи ёрдам кўрсатувчиси, дўсти, ғамхўри. Мастернинг коллектив олдидаги бурчи ўта масъулиятли, мураккаб, кўп қиррали. Шу билан бирга, мастерлик ниҳоятда шарафли иш ҳамдир.

Партия ва ҳукуматимиз ишчи коллективлари раҳбарлари бу звеноси меҳнатини ҳамиша муносиб баҳолаб, тақдирлаб келмоқда. Мастерлар орасида Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, ордендорлар бор. Ишлаб чиқаришда чиниққан қанчадан-қанча мастерлар бутун бошлиқ корхоналарга маҳорат билан раҳбарлик қилаётирлар. Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда ҳам ишлаб чиқариш мастерларининг катта армияси вояга етди, камол топди. Улар план-топшириқларнинг муваффақиятли бажарилишига муносиб ҳисса қўшиб келаётирлар, имкониятлардан самарали фойдаланиш ва резервларни ишга солишда жонбозлик кўрсатмоқдалар. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда мастерлар алоҳида ташаббус ва меҳнат намуналарини намойиш қилаётирлар.

Партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Ўзбекистонга Халқлар дўстлиги ордени топширишга бағишланган тантанали қўшма мажлисда республикамиз ишчилар синфининг коммунизм моддий-техника базасини бунёд этиш соҳасида қилаётган меҳнатларига юқори баҳо берди. «Ўзбекистонда, — деб таъкидлади Л. И. Брежнев, — малакали саноат ишчиларининг бир ярим миллион кишилик отряди вужудга келди. Ишчилар синфи — социалистик Ўзбекистоннинг суянган тоғидир, коммунистик қурилишда партия йўлини актив ўтказувчи кучдир». Бу ўз навбатида ишчиларнинг тарбиячиси мастерларга ҳам тааллуқли баҳо.

Ўзбекистонда кейинги йилларда мастерларнинг катта армияси етишиб чиқдики, республикамиз ишчи коллективлари улар билан ҳақли равишда фахрланмоқдалар. Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводининг машҳур мастери, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мустақим Юсупов корхонадаги меҳнат фаолияти давомида уч юз нафардан ортиқ шогирд тайёрлади. Наманган шойи ва костюмбоп газламалар комбинатининг мастери Абдумажид Абдураҳмонов шогирдлари ускуналардан самарали фойдаланишда ташаббускорлик қилмоқда. Республикамиз пойтахтидаги трактор заводининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли мастери Маҳаматжон Тешабоев бошқараётган участка беш йиллик топшириғини 32 ойда бажариб қўйди.

Мастерлар камолоти йўлида ғамхўрлик қилиш партия ташкилотларининг биринчи даражали ишларидан бўлиши керак. Раҳбар кадрларнинг ишлаб чиқаришга энг яқин турган бу звеноси кўпгина партия ташкилотларининг доимий эътиборида. Наманган областида мастерлар билан ишлаш яхшиланиб боряпти. Партия ташкилотлари мастерларнинг тажрибаларини қунт билан оммалаштириб туради, уларга доимий ёрдам кўрсатиб ишлаб чиқаришдаги ролини ошириб бориш тадбирларини кўрмоқда. Область корхоналари партия ташкилотлари мастерлар кунларини мунтазам ўтказиб турадилар. Тошкент, Фарғона областларида ҳам мастерлар билан ишлаш соҳасида партия ташкилотлари муайян ютуқларни қўлга киритдилар. Бироқ эришилган ютуқлар билан чекланиб қолиш мумкин эмас. Партия ташкилотлари корхоналарнинг маъмуриятлари ва касаба союз ташкилотлари билан биргаликда мастерлар тайёрлаш савиясини оширишлари, уларнинг ғоявий савияси ва билим даражасини мунтазам юксалтириб боришлари зарур. Мастерлар кенгашлари ишини ҳар томонлама яхшилаш, ишлаб чиқаришни бошқариш, мусобақани ташкил этиш, энг яхши тажрибаларни тарғиб этиш соҳасида тўпланган янгиликларни жорий қилиш тадбирларини кўриш керак.

План ва мажбуриятларнинг бажарилиши аввало бригада, участкаларга боғлиқ. Мастерлар ана шу бригада ва участкаларда ҳал қилувчи роль ўйнайдилар. Ҳар бир ишчининг имкониятлари, нималарга қодирлиги, кайфиятини, камчиликларини мастерчалик биладиган мутахассис раҳбар кам. Ишчиларнинг меҳнатсеварлигини оширишга, халқ мулкини, давлат мулкини тежаб-тергашга даъват этувчилар энг аввало мастерлардир. Мастерлар меҳнат интизомини мустаҳкамлашга бевосита жавобгар шахс бўлиб, ишлаб чиқаришнинг тақдири улар қўлида.

Бироқ мастерларнинг кадрлар билан ишлашида ҳали катта камчиликлар бор. КПСС XXIV съезди қарорлари ва партиямиз Марказий Комитети кейинги Пленумларининг кўрсатмалари муносабати билан мастерлар масъулияти тағин ҳам оширилиши кераклигини ҳозирги замон ишлаб чиқаришидаги янгиликларнинг ўзи тақозо этмоқда. Баъзи партия ташкилотлари мастерлар танлашдек масъулиятли ишга етарлича аҳамият бермаяптилар. Айрим партия ташкилотлари эса мавжуд кадрларнинг сиёсий, иқтисодий даражасини, умумий билимини оширишга, мастерларнинг самарали меҳнат қилишлари учун шарт-шароитлар яратиб беришга бефарқ қарамоқдалар. Корхоналар маъмурияти, партия, совет ва касаба союз ташкилотлари мусобақани ташкил этишдаги расмиятчиликнинг олдини олишлари зарур, мастерларнинг иқтисодий кўрсаткичларни чуқур таҳлил қила билишларига эришишлари, ишчиларнинг. уларнинг етакчилари бўлган мастерларнинг техникани тараққий эттиришдаги ролини оширишга кундалик муҳим иш деб қарашлари лозим.

Тўққизинчи беш йилликнинг учинчи йили якунланишига саноқли кунлар қолди. Беш йилликнинг қолган йилларида катта вазифалар ҳал қилиниши керак. Беш йилликнинг муваффақиятли якунланиши партия ташкилотларининг мастерлар билан қандай ишлашига ҳам боғлиқ.

Ҳар бир мастер ўз вазифасига садоқатли бўлишига, совет қонунлари ва коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси қоидаларига оғиздагина ҳайрихоҳ бўлиб қолмай, унга оғишмай амал қилишга, коллективда ҳақиқий ўртоқлик, дўстлик муҳити вужудга келтира билишига, масъулиятни сезиши ва буни бошқалардан ҳам талаб қилишига эришайлик. Мастерларнинг роли ва обрўсини ошириш коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш борасидаги шавкатли ишимизнинг муваффақиятли адо этилишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Фарғона область саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, маҳсулот реализация қилиш ҳажми ва маҳсулотнинг кўпчилик муҳим турларини ишлаб чиқариш йиллик планини бажарганликлари тўғрисида муддатидан олдин рапорт бердилар. Охунбобоев номидаги Қўқон тикувчилик фабрикаси, сут заводи, Фарғона, Қува, Тошлоқ, Ўзбекистон; Олтиариқ пахта тозалаш заводлари, тегирмон комбинати ва бошқа корхоналарнинг меҳнатчилари беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йилида айниқса яхши меҳнат қилдилар.

Область индустрияси декабрь охирига қадар топшириққа қўшимча равишда 36 миллион сўмликдан ортиқ турли хил маҳсулот реализация қилади.

* * *

Самарқанд области саноат корхоналарининг меҳнатчилари беш йиллик топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун бошланган социалистик мусобақани авж олдириб, маҳсулот реализация қилиш йиллик топшириғини бажардилар. «Гелион» заводи, Лангар ва Ғазғон карьер бошқармаси Самарқанд сут заводи ва бошқа корхоналарнинг коллективлари бу муваффақиятга сезиларли ҳисса қўшдилар. Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш бу йил анча кўпайди. Область индустрияси йил охирига қадар пландан ташқари 22 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот реализация қилади.

* * *

«Узсельхозтехника» республика бирлашмаси корхоналари ва ташкилотларининг меҳнатчилари ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигини материал-техника билан таъминлаш йиллик планини муддатидан олдин бажардилар.

* * *

Ф. Э. Дзержинский номидаги Фарғона тўқимачилик комбинатининг ишчилари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигини муносиб кутиб олишга интилиб маҳсулот реализация қилиш бўйича беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йили планини муддатидан илгари, 22 декабрда бажардилар. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ўсишининг 85 проценти меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилди. Тўқимачилар йил охирига қадар топшириққа қўшимча равишда икки ярим миллион сўмлик маҳсулот реализация қилишга қарор қилдилар.

* * *

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги корхоналарининг коллективлари беш йиллик топшириқларини ошириб бажариш учун мусобақалашиб, маҳсулотни реализация қилиш йиллик планини муддатидан олдин, 25 декабрда бажардилар. Ой охиригача топшириқдан ташқари 27 миллион сўмликдан кўпроқ ҳар хил моллар реализация қилинади.

* * *

Ўзбекистон ССР Коммунал хўжалик министрлигига қарашли корхоналар ва ташкилотларнинг ходимлари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, коммунал хизмат кўрсатиш, саноат маҳсулотларини реализация қилиш ҳамда ремонт-қурилиш ишлари ҳажми юзасидан беш йилликнинг учинчи йили планларини муддатидан аввал бажардилар.

(УзТАГ).

УРТОҚ Н. В. ПОДГОРНИЙ МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

27 декабрда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний Ригадан Москвага қайтиб келди.

(ТАСС).

Олмалиқ химия заводи иккинчи навбатининг ишга туширилишига саноқли кунлар қолди. Янги қувват фойдаланишга топширилгач, қишлоқ хўжалигимизни арзон аммофос ўғити билан таъминлаш янада яхшиланади. Суратда: корхонани барвақт қуриб ишга тушириш учун жонкуярлик кўрсатаётган «Промтехмонтаж» тресги бунёдкорлари Р. Юнусов, Э. Мехельсон ва Т. Шокиров ўртоқлар.

И. Глауберзон фотоси.

ҒАЛАБАЛАРИМИЗНИНГ БИТМАС-ТУГАНМАС МАНБАИ

ЭСТОНИЯ ССРГА ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ ВА ТАЛЛИН ШАҲРИГА ЛЕНИН ОРДЕНИ ТОПШИРИЛДИ

ТАЛЛИН, 27 декабрь. (ТАСС). Совет Эстониясида порлоқ ва шодиёна байрам бўлиб ўтди. Бугун республикага Халқлар дўстлиги ордени, Таллин шаҳрига эса Ленин ордени топширилди. Эстония ССР меҳнаткашларининг совет халқлари дўстлиги ва қардошлигини мустаҳкамлашга, коммунистик қурилишга қўшган ҳиссаси ана шу юксак мукофотлар билан тақдирланди. «Эстония» концерт зали байрам либосида. Эстония Компартияси Марказий Комитети билан республика Олий Советининг бугун бу ерда ўтказилган қўшма тантанали мажлисига Эстония Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, СССР Олий Совети ва Эстония ССР Олий Советининг депутатлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, саноат ва қишлоқ хўжалиги илғорлари, фан ва маданият арбоблари, Совет Армияси жангчилари келдилар.

Тантанали мажлисни Эстония ССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. П. Вадер очди. Эстония ССРга Халқлар дўстлиги ордени ва Таллин шаҳрига Ленин ордени топширилиши Эстония меҳнаткашларининг кучига янги куч қўшади, деди у. Ватаннинг олий мукофотлари ғайратимизни оширади, интернационал бурч туйғусини кучайтиради, республика меҳнаткашларининг севикли Ватан бахт-саодати йўлида, коммунистик қурилиш буюк бунёдкорлик планларини амалга ошириш йўлида янада яхшироқ меҳнат қилиш иштиёқини тобора қулф урдиради.

Оркестр СССР ва Эстония ССР давлат гимнларини ижро этади.

Марш садолари остида залга Эстония ССР байроғи, КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг Эсдалик байроғи, Таллин шаҳрининг байроғи олиб кирилади.

Мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросини баланд руҳ билан фахрий Президиумига сайладилар. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси Ю. В. Андроповга сўз берилади. Бугун, деди у, Эстония Совет Социалистик Республикасига Халқлар дўстлиги ордени, Таллин шаҳрига эса Ленин ордени топширилмоқда. КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, Совет ҳукумати номидан сизларни ана шу мўътабар мукофотлар билан самимий табриклашга ижозат бергайсиз. Бу мукофотлар республика ва унинг пойтахтининг коммунистик қурилишдаги, совет халқларининг дўстлиги ва қардошларча ҳамкорлигини ривожлантиришдаги , Совет давлатимизни мустаҳкамлашдаги катта хизматларининг муносиб равишда тақдирланишидир. Шу билан бирга бу мукофотлар Совет Эстонияси меҳнатчиларидан ҳар бирининг социалистик Ватанимиз бахт-саодати умумий ишига қўшган ҳиссасининг эътирофи ҳамдир.

Эстония — Совет Иттифоқининг ёш республикаларидан бири, деди нотиқ. Аммо социалистик революция бу ерда Петроград билан баб-баравар. 1917 йил 7 ноябрда бошланганлигини совет кишилари эслайдилар.

Революциянинг дастлабки одимларидан бошлабоқ халқларимиз жуда мураккаб социал ва миллий вазифаларни ҳал этишга киришдилар. Буржуазия жарчилари большевиклар миллий проблемани ҳал эта олмайдилар, деб ҳар бурчакда бақирган эдилар. Совет

(Давоми 3-бетда).

«ОРЕОЛ-2» ЙЎЛДОШИ УЧИРИЛДИ

ТАСС АХБОРОТИ

СССР билан Франция ўртасида тинчлик мақсадларида коснник фазони тадқиқ этиш ва ундан фойдаланиш соҳаларида ҳамкорлик қилиш программасига мувофиқ 1973 йил 26 декабрда Совет Иттифоқида Ернинг сунъий йўлдоши «Ореол-2» учирилди.

Йўлдош юқори кенгликларда Ернинг юқори атмосферасидаги физик ҳодисаларни тадқиқ этишни ва қутб ёғдуси табиатини ўрганишни давом эттиришга мўлжалланган. Бу ишлар 1971 йил «Ореол» йўлдошида бошлаб берилган эди.

«Ореол-2» йўлдоши параметрлари қуйидагича бўлган орбитага чиқарилди: Ер юзига энг яқин масофаси (перигейда) — 407 километр;

— Ер юзидан энг узоқ масофаси (апогейда) — 1995 километр;

— бошланғич айланиш даври — 109,2 минут.

— орбитасининг экватор текислигига оғиши — 74 градус.

Йўлдош ичига энергия кенг диапозонида протон ва электрон спектрини тадқиқ этувчи, протонлар интеграл интенсивлигини ўлчовчи ва атмосфера ион составини аниқловчи илмий аппаратлар, шунингдек илмий экспериментлар бажарилишини таъминловчи хизмат системалари ўрнатилган.

Ердаги ўлчов комплекси йўлдошдан олинаётган маълумотларни қабул қилмоқда.

«Ореол-2» йўлдошида ўтказилувчи ўлчов ишлари билан бир маҳалда бир қанча мамлакатларнинг Ердаги обсерваториялари келишиб олинган программага мувофиқ уйғунлаштирилган геофизик тадқиқотлар ўтказиб борадилар.

ЎРТОҚ Н. В. ПОДГОРНИЙНИНГ ЛАТВИЯДА БЎЛИШИ

РИГА, 26 декабрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний бугун Латвия ССР раҳбарлари билан учрашди. Учрашувда Латвия Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар, республика Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари ва Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, Латвия Компартияси Марказий Комитетининг масъул ходимлари иштирок этдилар.

Н. В. Подгорний КПСС Марказий Комитетининг 1973 йил декабрь Пленуми қарори асосида беш йилликнинг тўртинчи йили планини бажариш учун коммунистларни, комсомолларни ва барча меҳнаткашларни сафарбар қилиш соҳасида республика партия ва совет органлари олдида турган вазифаларига тўхталиб ўтди.

* * *

Шу куни ўртоқ Н. В. Подгорний Латвиядан жўнаб кетди.

Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Э. Восс, Латвия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси В. П. Рубен, республика Министрлар Советининг Раиси Ю. Я. Рубэн, Латвия Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар, Олий Совет Президиуми Раисининг ўринбосарлари, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, Латвия ССР Олий Совети Президиумининг аъзолари, республика ва Рига шаҳар партия ҳамда совет органларининг раҳбарлари, меҳнаткашларнинг намояндалари вокзалда Н. В. Подгорнийни кузатиб қолдилар.

УРТОҚ Ю. В. АНДРОПОВНИНГ ЭСТОНИЯДА БУЛИШИ

ТАЛЛИН, 27 декабрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси Ю. В. Андропов шаҳардаги янги уй-жой райони бўлган Мустамяэда қурилган В. Клементи номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси биносини бориб кўрди, Волжск автомобиль заводи ишлаб чиқараётган автомашиналарга хизмат кўрсатиш марказида ва республикадаги савдо корхоналаридан бирида бўлди. У Пайдеск районидаги «9 Май» колхозида ҳам бўлди.

Ю. В. Андропов Эстония ССР Министрлар Советида ва Эстония ССР Олий Совети Президиумида суҳбатлар ўтказди.

Ю. В. Андропов ва республика раҳбарлари В. И. Ленин ҳайкали ёнига гуллар қўйишди.

САМОВИЙ ШАҲАРЧАДА БАЙРАМ

«Союз-13» кемасининг экипажи кутиб олинди

Москва яқинидаги аэродром. Петр Климук билан Валентин Лебедевни кутиб олиш учун 27 декабрь куни бу ерга космонавтларни тайёрлаш марказининг раҳбарлари, олимлар, конструкторлар, мутахассислар, СССРнинг космонавт-учувчилари, қаҳрамонларнинг қариндош-уруғлари, дўстлари келишди. Космонавтлар космосда қандай ишлаганликлари, уларнинг космонавтикага қўшган ҳиссаси тўғрисида баҳслар бўлганлиги табиий.

Космонавтларни тайёрлаш раҳбари, авиация генерал-майори, СССРнинг космонавт учувчиси В. А. Шаталов «Союз-13» экипажининг космосдаги ишига юксак баҳо берди.

— «Союз-13» экипажи аниқ, аҳил ишлади, — деди у. Учиш программаси бажарилди, космик техникани ривожлантиришга, фанга катта ҳисса қўшилди.

Петр Климук билан Валентин Лебедев парвоз давомида кема борт системаларини комплекс текшириб, синаб кўрдилар. Шу тарзда «Союз-12» кемасида Василий Лазарев билан Олег Макаров бошлаган иш давом эттирилди.

Космонавтлар «Орион-2» телескоплари системасидан фойдаланиб, юлдузларни ультра бинафша диапазонда спектрографияга қайд этдилар. Олимлар олис юлдузларни шу метод ёрдамида тадқиқ этиб, юлдузларнинг вужудга келиши, шаклланиши ва эволюцияси тўғрисида қимматли маълумот оладилар.

Айни вақтда кема ичида туриб, ер юзидаги табиат спектографияга олинди, яъни табиий муҳит фан ва халқ хўжалиги манфаатлари йўлида тадқиқ этилди. Кундузги ва кечқурунги уфқни ўрганиш ҳам учиш программасига киритилган эди. Олинган маълумотлар метеорологларга об-ҳавони ўзгартирувчи жараёнларни яхшироқ тушунишга ёрдам беради.

(Давоми учинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети чуқур қайғу билан маълум қиладиларки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ биринчи секретари, Иттифоқ аҳамиятига молик шахсий пенсионер Амин Эрматович **Ниёзов** 1973 йилнинг 26 декабрида 71 ёшида вафот этди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ	ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ	ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

РАСМИЙ АХБОРОТ

СОВХОЗЛАРДА ХЎЖАЛИК ҲИСОБИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРАЛАРИ

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Совхозларда ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарида хўжалик ҳисобини янада ривожлантириш чоралари тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

КПСС XXIV съездининг совхозларни хўжалик ҳисобига кўчириш тўғрисидаги Директиваларига мувофиқ қарорда СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги системасидаги мавжуд совхозларнинг ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарининг КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг илгари қабул қилган қарорларида белгилаб қўйилган шартлар билан хўжалик ҳисобига кўчиришни 1974—1975 йилларда тугаллаш кўзда тутилади.

Совхозларда ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарида СССР Министрлар Совети, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, СССР министрликлари ва идоралари томонидан тасдиқланган титул рўйхатларга биноан паррандачилик фабрикалари, парник-теплица комбинатлари, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган комплекслар ва бошқа корхоналар қуриш, шунингдек уй-жой бинолари, мактаблар, медицина ва болалар муассасалари, клублар ҳамда маданий-маиший ва коммунал объектлар, мелиорация ва суғориш системалари ҳамда иншоотлари қуриш ва маданий-техникавий ишлар давлат бюджети ҳисобидан пул билан таъминланиб туради.

Торф қазиб чиқариш, уни ташиш ва ундан фойдаланиш ишлари комплексини, нордон тупроқларни оҳаклаш, шўр тупроқларни гипслаш ишларини амалга ошириш харажатлари (шу жумладан оҳакли ўғитларнинг, сланец кулининг ва гипснинг қиммати, уларни ташиб олиш ва тупроққа солиш харажатлари), шунингдек совхозларда ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарида шу ишларни бажариш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тузиш харажатлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан колхозлар учун белгилаб қўйилган тартибда пул билан таъминланади.

Табиий офатлардан келган зарарларни қоплаш, банкдан олинган қарзни тўлаш имконияти бўлмаган, бу қарзнинг ўрнини тўлдириш ҳамда совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг етишмай қолган ўз оборот маблағларини тўлдириш учун эҳтиёт фондининг маблағлари етишмай қолган тақдирда СССР Давлат банки иттифоқдош республикаларнинг қишлоқ хўжалик министрликларига ва совхозлар министрликларига, шунингдек СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига (иттифоқ қарамоғидаги хўжаликлар бўйича) уч йилгача муддат билан кредит бериб туриши лозим. Бу кредит эҳтиёт фондининг маблағлари ҳисобидан узилади деб белгилаб қўйилди.

Экинлар нобуд бўлганлиги натижасида ишлаб чиқаришга қилинган сарфларни олинган ҳосил билан қоплаш мумкин бўлмай қолса, ишлаб чиқаришга сарфлаш учун берилган қисқа муддатли кредитларни узишни совхозлардан ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналаридан, табиий офатлардан келган зарарларни қоплаш масаласи ҳал этилмагунча, талаб қилмаслик тўғрисида ҳам СССР Давлат банкига кўрсатма берилди.

Зарар кўраётган совхозларда ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарида моддий рағбатлантириш фонди, қарорга биноан, зарарни камайтиришдан келган маблағнинг кейинги уч йил ичидаги умумий миқдорига нисбатан 15 процент миқдорида (лекин корхонадаги ҳамма ходимга иш ҳақи тўлашнинг пландаги йиллик фондидан 12 процентдан оширмаган ҳолда) ва социал-маданий тадбирлар ва уй-жой қуриш фонди зарарни камайтиришдан келган маблағнинг кейинги уч йил ичидаги ўртача миқдорига нисбатан зарарни камайтириш маблағининг 10 проценти миқдорида ташкил этилади, аммо бунинг учун мана шу давр ичида қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштириш кўпайтирилган бўлиши шарт.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети ишонч билдириб шуни айтадиларки, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, совхозларнинг ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарининг раҳбарлари, мутахассислари ва ишчилари ердан фойдаланишни яхшилаш тадбирларини амалга ошириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини илмий асосда ихтисослаштиришни ва концентрациялашни янада ривожлантириш, унинг технологиясини такомиллаштириш, механизациялаш даражасини ошириш ва меҳнатни ташкил этишни яхшилаш тадбирларини амалга ошириш, капитал маблағлардан рационал фойдаланиш, хўжалик ҳисобини ривожлантириш ва иқтисодий рағбатлантиришни кучайтириш асосида қишлоқ хўжалик корхоналари ишининг самарадорлигини кескин равишда оширишни, меҳнат ва маблағни энг кам сарфлаган ҳолда қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни кўпайтиришни, қўшимча фойда олишни таъминлайдилар ва шу тариқа Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIV съезди қарорларини муваффақиятли равишда бажаришга ўз ҳиссаларини қўшадилар.

ТОМЬ ДАРЕСИ ҲАВЗАСИНИНГ ТОЗАЛАНМАГАН ОҚАВА СУВЛАР БИЛАН ҲАМДА КЕМЕРОВО ВА НОВОКУЗНЕЦК ШАҲАРЛАРИНИНГ ҲАВО ҲАВЗАСИНИ САНОАТ ЧИҚИНДИЛАРИ БИЛАН БУЛҒАТИЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК ЧОРАЛАРИ

СССР Министрлар Советининг шу масалага доир қабул қилган қарорида айтиладики, кейинги йилларда Кемерово ва Томск областларининг корхоналарида бир қанча тозаловчи иншоотлар қурилди ҳамда Томь дарёси ҳавзасининг тозаланмаган оқава сувлар билан булғанишини пасайтириш ва зарарли чиқитларни атмосферага чиқариб юборишни камайтириш тадбирлари амалга оширилди. Бироқ кўпгина министрликлар ўзларига қарашли корхоналарда оқава сувларни тозалашни таъминлаш ва атмосферага чиқариб юборилаётган саноат чиқитларини зарарсизлантириш тадбирларини секинлик билан амалга оширмоқдалар.

Қарорда СССРнинг тегишли министрликларига қуйидаги конкрет топшириқлар белгилаб қўйилди:

Томь дарёсининг ҳавзасини тозаланмаган оқава сувлар билан булғатишга йўл қўймаслик учун тозаловчи иншоотлар сув таъминоти обороти системалари ва қурилмалар қуриш (реконструкция қилиш);

Кемерово ва Новокузнецк шаҳарларининг ҳамда Кемерово областидаги бошқа баъзи шаҳарларнинг ҳаво ҳавзасини булғатишга йўл қўймаслик учун газни тозалаб берадиган ва чангни тутиб қоладиган қурилмалар қуриш (реконструкция) санитария-ҳимоя зоналари ташкил этиш ва бошқа тадбирларни амалга ошириш топшириқлари.

Кемерово областидаги аҳолини ва корхоналарни сув билан таъминлашни яхшиламоқ учун Томь дарёсида гидроузел ва сув омбори қуриш мўлжаллаб қўйилди.

Кемерово ва Томск областларида ўзларининг автомобиль хўжаликлари бўлган министрликлар ва идоралар 1973—1975 йилларда шу хўжаликларнинг нефть ва мой маҳсулотлари билан булғанган оқава сувларни дарёларга, сув омборларига оқизиб қўйишларини батамом тўхтатишни таъминлайдиган тадбирларни амалга оширишлари лозим.

АВТОРЛИК ҲУҚУҚЛАРИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ БУТУНИТТИФОҚ АГЕНТЛИГИ ТЎҒРИСИДА

Авторлик ҳуқуқи тўғрисидаги 1952 йилги жаҳон конвенциясига СССР қўшилганлиги муносабати билан СССР Министрлар Совети «Авторлик ҳуқуқлари билан шуғулланувчи Бутуниттифоқ агентлиги тўғрисида» қарор қабул қилди.

Авторлик ҳуқуқлари билан шуғулланувчи Бутуниттифоқ агентлиги, жумладан, қуйидаги вазифаларни бажаради:

совет ва чет эл авторларининг адабиёт, фан ва санъат асарларидан СССРда фойдаланиш чоғида, уларнинг, шунингдек уларнинг ҳуқуқий ворисларининг, совет авторларининг асарлари чет элларда фойдаланилганида уларнинг ва уларнинг ҳуқуқий ворисларининг ҳуқуқларига ва қонуний манфаатларига риоя қилишни таъминлаш, авторларнинг ва уларнинг ҳуқуқий ворисларининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатлари номидан вакиллик қилиш ҳамда шу ҳуқуқларнинг бузилишига йўл қўймаслик ва бузилган ҳуқуқни қайта тиклашга доир зарур чоралар кўриш;

совет авторларининг асарларидан чет элларда ва чет эл авторларининг асарларидан СССРда фойдаланиш тўғрисида чет элларнинг юридик ва жисмоний шахслари билан шартномалар тузиш чоғида воситачилик қилиш ва шартномалар (контрактлар) тузиш;

авторлик ҳуқуқлари билан шуғулланувчи Бутуниттифоқ агентлигининг воситачилигида ёки бевосита шу агентликнинг ўзи билан совет авторларининг асарларидан чет элларда ва чет эл авторларининг асарларидан СССРда фойдаланиш тўғрисида тузилган шартномалар (контрактлар) бўйича тегишли авторлик гонорарини олиш ва эгасига тўлаш;

СССР территориясида асарлари кўпчилик олдида ижро этилганлиги учун совет ва чет эл авторларига ҳамда уларнинг ҳуқуқий ворисларига, тегишли гонорарни олиш ва тўлаш, асарлари чет элларда кўпчилик олдида ижро этилганлиги учун совет авторларига ва уларнинг ҳуқуқий ворисларига тегишли гонорарни олиш ва тўлаш; кинофильмлар ва телефильмлар учун (бундан чет мамлакатларнинг ташкилотлари ва фирмалари билан биргаликда яратиладиган телефильмлар мустасно), грампластинкалар учун, тасвирий санъат асарларидан фойдаланганлик учун тиражларга тўланадиган пулни олиш ҳамда совет ва чет эл авторларига ва уларнинг ҳуқуқий ворисларига тегишли пулни тўлаш; совет авторларининг асарлари СССРда фойдаланилганлиги учун авторлик гонорарини олиш ва шу авторларнинг ворисларига тегишлигини тўлаш.

Қарорда шу нарса кўзда тутиладики, совет авторларининг илгари СССР территориясида эълон қилинган асарларидан СССР доирасидан ташқарида фойдаланиш (нашр этиш, кўпчилик олдида ижро этиш ва фойдаланишнинг бошқа турлари) учун бўлган ҳуқуқ чет элдаги фойдаланувчининг тасарруфига шу автор томонидан ёки унинг ҳуқуқий вориси томонидан фақат авторлик ҳуқуқлари билан шуғулланувчи Бутуниттифоқ агентлиги орқали ва Совет Иттифоқида асарлардан биринчи фойдаланганнинг рухсати билан ёки шу асарга авторлик ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахс ёки ташкилотнинг рухсати билан берилиши мумкин.

Совет авторининг СССР территориясида ва шу территориядан ташқарида эълон қилинмаган асари чет элларда фойдаланиш учун автор ёки унинг ҳуқуқий вориси томонидан фақат авторлик ҳуқуқлари билан шуғулланувчи Бутуниттифоқ агентлиги орқали топширилиши мумкин.

Ушбу қарорда белгилаб қўйилган тартиб бузилган тақдирда тузилган битимлар ҳақиқий эмас деб топилади, шунингдек амалдаги қонунларга мувофиқ бошқа хил жавобгарликка олиб келади.

(ТАСС).

Болгария Халқ Республикасидаги саноат корхоналари қурилишига Совет Иттифоқи катта ёрдам кўрсатмоқда. Индустриал объектларни қуриб фойдаланишга топшириш борасида икки мамлакат ўртасида ҳамкорлик қилиш одатга айланиб қолган. Суратда: Русе шаҳридаги лимон кислотаси ишлаб чиқариш заводининг цехларидан бири.

БТА — ТАСС фотоси.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ИОРДАНИЯ ҲУКУМАТИНИНГ МАЖЛИСИ

АММОН, (ТАСС). Бу ерда Иордания ҳукуматининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда мамлакат Бош министри Зайд Ар-Рифоий Яқин Шарққа бағишлаб Женевада ўтказилган халқаро конференциясининг иши ва Иордания делегациясининг қилган мулоқотлари тўғрисида ҳисобот берди.

«Ар-Рай» газетасида босилган хабарда айтилишича, Министрлар кабинети конференция ишининг биринчи босқичи якунларидан мамнун бўлганлигини билдирган.

ТОШ ЙЎЛДАГИ ТЎҚНАШУВ

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО, (ТАСС). Бразилиянинг мамлакат жанубидаги Лажис шаҳри яқинида халқаро автобус юк автомашинаси билан тўқнашганлиги натижасида 30 га яқин киши ҳалок бўлди ва 12 киши оғир жароҳатланди.

ЁНҒИНЛАРДАН КЕЛГАН ЗАРАР

ОСЛО, (ТАСС). Шу йилнинг дастлабки уч кварталида Норвегияда ёнғинлардан келган моддий зарар 200 миллион кронга яқинлашиб қолди. Жуда катта 15 та ёнғин натижасидагина 78 миллион кронлик ускуналар ва мол-мулклар куйиб кул бўлди. Хавфсизлик техникаси қоидалари бузилаётганлиги ва электр шохобчалари тузатилмаганлиги мана шу кулфатларнинг келиб чиқишига асосий сабаб бўлмоқда.

ДАВЛАТНИНГ ИШТИРОКИ БИЛАН

ТАНАНАРИВЕ, (ТАСС). Мадагаскарда «цитрус ҳосилини ишлатиш ва харид қилиш жамияти» деган янги аралаш корхона ишга тушди. Давлат иштироки билан тузилган бу корхона зиммасига мамлакатнинг Ғарби-Шимолида цитрус мевалари етиштиришни кўпайтиришга кўмаклашиш, меваларни харид қилиш ва қайта ишлаш билан шуғулланиш вазифаси қўйилди.

«Мадагаскар пресс» агентлигининг яна бир хабарида айтиладики, «иқтисодий ривожланиш комитети — Марувуай» акцияларининг асосий қисмини давлат ўз қўлига олди. Бу компаниянинг 17 минг гектардан кўпроқ майдонда шоликорлик билан шуғулланадиган ва мамлакатнинг Ғарби-Шимолидаги Марувуай районидаги 9 минг деҳқоннинг шолисини харид қилиб оладиган иккита марказий бўлими бор. Шу компаниянинг шолипояларида 1972 йилда 27 минг тонна шоли етиштирилди.

ДЕҲҚОНЛАРНИНГ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

ГУАЯКИЛЬ, (ТАСС). Эквадор коммунистларининг «Пуэбло» газетасида босилган мақолада, ер ислоҳоти тўғрисида октябрь ойида қабул қилинган қонунни кечиктирмай турмушга татбиқ қилиш, деҳқонлар оммасининг аҳволини яхшилашга ёрдам беради, дейилади. Қонунни турмушга татбиқ қилиш учун деҳқонларнинг ва бутун халқнинг кенг ҳаракатини бошлаш зарур, деб газетада таъкидланади ва катта ер эгаларининг Эквадор қишлоқларида қилаётган ўзбошимчалиги ва зулми кескин равишда қораланади.

⊙ ТИНЧЛИК ВА ҲАМКОРЛИК — ПЛАНЕТАМИЗ ХАЛҚЛАРИНИНГ АСОСИЙ ИСТАГИДИР.

⊙ ДЕҲҚОНЛАР ОММАСИ АҲВОЛИНИ ЯХШИЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ТАДБИРЛАР.

⊙ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШГА ҚАРАТИЛГАН ДАСТЛАБКИ ҚАДАМЛАР.

ИНСОНИЯТ ОРЗУСИ — ТИНЧЛИК!

◆ 1973 ЙИЛ ВА ХАЛҚАРО ҲАЁТ ◆ ДАВРИМИЗНИНГ ЕТАКЧИ КУЧИ ◆ ЕВРОПА — ТИНЧЛИК ҚИТЪАСИ ◆ ОСИЕДА ҲАМКОРЛИК УЧУН

◆ ЯҚИН ШАРҚ МОЖАРОСИ ◆ ЛАТИН АМЕРИКАСИДАГИ ВАҲШИЙЛИК ◆ ХАЛҚ КУРАШИ ЕНГИЛМАСДИР.

ҚАДИМИЙ ва ҳамиша навқирон планетамиз 1973 йилни кузатиб, янги 1974 йилни кутиб олмоқда. 1973 йил, унинг умуминсоният манфаатларига хизмат қилган йирик воқеалари тарих саҳифаларига айланмоқда. У социализм, демократия ва тинчлик учун кураш йили бўлди. Совет Иттифоқи, барча қардош социалистик мамлакатлар халқлари инсоният бахт-саодати, ер куррасида мустаҳкам тинчлик ўрнатиш учун бўлган ана шу курашнинг олдинги сафларида бормоқдалар.

Совет давлатининг биринчи расмий ҳужжати ҳисобланган Сулҳ ҳақидаги декретдан тортиб, то КПССнинг XXIV съезди белгилаб берган Тинчлик программасигача ўтган даврда КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати ленинча ташқи сиёсатни оғишмай амалга ошириб келди. 1973 йилги халқаро ҳаёт воқеалари ҳам СССР амалга ошираётган тинчлик сиёсатининг кучи ва ҳаётийлигини кўрсатиб берди.

Ўзининг 57 йиллиги томон қадам қўйган Советлар мамлакати 1973 йилда улкан ғалаба довонларидан ошди. Партиямизнинг шонли XXIV съезди белгилаб берган ижтимоий-иқтисодий программани амалга ошираётган, коммунизмнинг ёрқин уфқлари томон бораётган совет халқи меҳнат ва ижодда мўъжизалар кўрсатди.

Бизнинг давримиз — капитализмдан социализмга ўтиш давридир. Социализм — ҳозирги ижтимоий тараққиётнинг етакчи кучи бўлиб қолмоқда.

1973 йил совет ташқи сиёсатининг зафарли юриш йили бўлди. Ленин асос солган совет дипломатияси бутун йил давомида жаҳон сиёсатининг ҳал қилинмаган масалаларини тезроқ ечиш учун, бутун дунёда барқарор тинчлик ва ҳамкорлик ўрнатиш учун актив кураш олиб борди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг ГФР, АҚШ, Франция ва Ҳиндистон Республикасига қилган расмий сафарлари оламшумул тарихий аҳамиятга эга бўлди. Бутун дунёда мустаҳкам тинчликни ва коммунизм қураётган совет халқи учун ишончли хавфсизликни таъминлаш соҳасида КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг аниқ мақсадни кўзлаб олиб бораётган самарали фаолияти халқаро муносабатларда, шу жумладан Совет Иттифоқи билан АҚШ ўртасидаги муносабатларда туб бурилиш бўлишига олиб келди.

1973 йилнинг кузида Москвада тинчликсевар кучларнинг тарихдаги энг катта анжумани — Халқаро Конгресси бўлиб ўтди. Конгрессда жаҳоннинг 143 мамлакатидан келган уч ярим минг делегат иштирок этди. Конгрессга 120 халқаро ташкилот, 1100 сиёсий партиялар, миллий ташкилотлар ўз вакилларини юбордилар. Тинчлик кучларининг ушбу йиғинида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев сўзлаган ёрқин нутқида Совет Иттифоқи ташқи сиёсати жуда аниқ таърифлаб берилди.

ЕВРОПАДАГИ вазиятнинг яхшиланиши 1973 йилда ҳам давом этди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Германия Федератив Республикаси ва Францияга қилган расмий сафарлари бу жараёнга ижобий таъсир қилди. 1973 йилнинг декабрида Германия Федератив Республикаси билан Чехословакия ўртасида шартнома имзоланди. Ушбу шартнома Европанинг ҳар икки мамлакати ўртасидаги муносабатларни яхшилашга, бутун қитъадаги кескинликни юмшатиш ишига хизмат қилади. Умумевропа кенгашининг иккинчи босқичи ниҳоясига етай деб қолди. Социалистик давлатлар ташаббуси билан бошланган Умумевропа Кенгашининг реалликка айланиши тинчликсевар кучларнинг катта ғалабасидир.

1973 ЙИЛДА ОСИЕДА ҳам халқаро кескинликни юмшатиш, тинчликни мустаҳкамлашга интилиш анча кучайди. Вьетнам халқининг тарихий ғалабаси, Жанубий Осиёдаги вазиятнинг яхшиланиши, Камбоджа ватанпарварларининг ютуқлари қитъадаги умумий аҳволнинг ижобий томон бурилишига кўмаклашди. Покистоннинг 1973 йилнинг ноябрь ойида агрессив СЕАТО блокидан чиқиб кетиши Осиёда ҳам империализмнинг ҳарбий блоклар сиёсати инқирозга юз тутаётганлигидан далолат бериб турибди. Маълумки, Совет Иттифоқи доимо ушбу улуғ қитъа мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш ва Осиёда коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтириш учун курашиб келмоқда. 1973 йил охирида ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ҳиндистон республикасига қилган расмий сафари халқаро ҳаётнинг энг катта воқеаларидан бири ва Осиёдаги тинчлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишига қўшилган улкан ҳисса бўлди.

ЯҚИН ШАРҚДА Исроил экстремистлари 1973 йилда навбатдаги жиноятга қўл урдилар: улар қўшни араб мамлакатларига қарши уруш ҳаракатларини бошлаб юбордилар. Бу Исроил давлатининг чорак аср давомида араб мамлакатларига қарши қилган тўртинчи адолатсиз уруши бўлди. Лекин бу гал Исроил босқинчилари араб қўшинларининг метиндек мустаҳкам сафларига дуч келдилар. Урушнинг дастлабки кунларидаёқ Исроил ҳарбийлари чекинишга мажбур бўлдилар. Совет Иттифоқи, қардош социалистик мамлакатлар, ер куррасидаги барча тинчликсевар кучлар Исроил агрессорларини кескин қораладилар ва адолатли, озодлик кураши олиб бораётган араб халқларини қувватлаб чиқдилар.

КУРАШ қурбонсиз бўлмайди. Чилида юз берган қонли воқеалар бунга мисолдир. Маълумки, Латин Америкаси қитъаси жуда кўп фожиаларнинг гувоҳи бўлган. Лекин қитъанинг ҳеч қаерида Чилидаги сингари ватанпарварларнинг қони дарё бўлиб оқмаган эди. 1973 йил 11 сентябрь куни мамлакатдаги фашист-генераллар ҳарбий тўнтариш қилиб, ҳокимиятни эгаллаб олдилар. Фашистик тўда кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган жиноятга қўл урди: мамлакатнинг қонуний президенти, оташин ватанпарвар Сальвадор Альенде отиб ташланди. Конституция оёқ ости қилинди, демократик кучларга қарши «салб юришлари» бошланди.

Лекин буларнинг ҳаммаси тарих томонидан ўлимга ҳукм қилинган қора реакциянинг кучсизлигини кўрсатяпти, холос. Инсониятга, унинг шонли фарзандларига қарши қилинган жиноятни тарих асло кечирмайди. Халқларнинг озодлик курашини эса энди ҳеч ким, ҳеч қачон ва ҳеч қаерда тўхтатиб қололмайди. Перу, Панама, Эквадор ва қитъанинг бошқа мамлакатларида юз бераётган прогрессив ўзгаришлар бунинг ёрқин исботидир.

БУТУН 1973 йил давомида сиёсий намойишлар, забастовкалар, пролетариатнинг олиб борган синфий жанглари капитал дунёсини ларзага келтириб турди. Кейинги йилларда АҚШда йилига ўртача 3 миллион, Италияда 7 миллион, Японияда 2 миллион киши забастовкаларда қатнашди. Мақталган «эркин дунёда» 1973 йилда ҳам ишсизлик кучайди. Ишсизлар армияси сафларига навбатдаги миллионлар келиб қўшилди.

1973 йилда капиталистик дунёни навбатдаги танглик — энергетик кризис қамраб олди. АҚШ, Англия, Бельгия, Италия, Голландия ва бошқа қатор мамлакатларда ёнилғи нархи кескин кўтарилди. Транспорт ҳаракати, уйларни иситиш чеклаб қўйилди. «Эркин дунё»нинг ёлланган малайлари кўкка кўтараётган «ғарб цивилизацияси»нинг нима эканлигини жаҳон халқлари яхшироқ тушуниб олдилар.

Планетамиз 1973 йил билан хайрлашмоқда. 1973 йил совет тинчлик дипломатияси учун зафарли йил бўлди. Халқаро майдондаги воқеалар ривожининг бутун бориши шундан далолат бериб турибдики, эндиликда давлатлар ўртасидаги низоли масалалар нақадар мураккаб бўлмасин, уларни тинч-тотув яшаш принциплари асосида музокаралар йўли билан ҳал этиш учун ҳамма имкониятлар бор.

Бундан ярим аср муқаддам Улуғ Октябрь тонги отган ва янги дунё қуёшининг биринчи нурлари ижтимоий зулм булутларини ёриб ўтган эди. 1917 йил 25 октябрида ёқилган янги ҳаёт чироғи бугун ҳам қадимий ва навқирон планетамизга навқиронлик бағишлаб турибди.

Янги, 1974 йилда тинчлик ва ҳамкорлик планетамизнинг доимий ҳамроҳи бўлсин!

Талъат СОЛИЕВ.

СЕНАТОР БИЛАН СУҲБАТ

ФЕЛЬЕТОН

Тушга ҳамма нарса кираверар экан. Буни қарангки, мен тушимда Жексонни кўрибман. Бу ўша — ҳар доим америкаликларни қандайдир «совет хавфи»дан қўрқитиб келаётган, стратегик қуролларни қисқартириш тўғрисида СССР билан АҚШ ўртасида битим тузилишига ва Женевада бу масала юзасидан ўтказилаётган музокараларга, шунингдек, икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланишига қарши чиқаётган Жексондир.

Тушимда кўрган воқеалар ўнгимдагидек аниқ ва равшан эди. Мен уларни гўё телеэкранда томоша қилгандек кўрдим. Мен сенаторга саволлар бердим. У саволларимга бирма-бир жавоб қайтариб турди. Мен унга аввало Вашингтон штати тўғрисида баъзи нарсаларни билишимни озроқ шипшитиб қўйдим (чунки Жексон АҚШ конгрессига шу штатдан сайланган). У ернинг асосий диққатга сазовор жойларини, чунончи, реактив ҳарбий ва граждан самолётлари, шунингдек «минитмен» деб аталувчи қитъалараро баллистик ракеталар ишлаб чиқарувчи «Боинг» корпорациясини билишимни ҳам қистириб қўйдим. Бу корпорация 3.270 миллион доллар оборотга эга бўлиб, ўзининг ҳарбий контрактлар суммаси бўйича мамлакатда учинчи ўринни эгаллайди. Шундай қилиб биз ҳаммага маълум ва машҳур бўлиб қолган умумий ҳақиқатларни муҳокама қилишдан фориғ бўлиб олдик. Мен шунда фурсатни қўлдан бермай, ўзим кўпдан буён тахмин қилиб юрганим, яъни унинг ҳарбий саноат комплексига алоқадор эканлигини унга ётиғи билан ишора қилдим. Лекин сенатор бу гаплардан сўнг сира ўнғайсиз аҳволга тушиб ўтирмади. У менинг сўзларимни тинглаб, чуқур ўйга толган ҳолда. «Шундай, шундай...» дея олди ва бу масалада мен билан мунозара қилиб ўтиришнинг фойдаси йўқлигини тушунди.

Шундан сўнг мен ядро қуролининг хусусиятлари ҳамда уни кимдир қўллаб кўрган тақдирда у келтириб чиқарадиган оқибат-натижалар тўғрисида сенатор хабардормикин, деган мулоҳаза билан бу тўғрисида ўз фикримни билдирдим. Шунда маълум бўлдики, қуролланиш бўйича сенат комиссиясининг аъзоси, атом энергияси бўйича конгресс бирлашган комиссиясининг аъзоси, атом энергиясини ҳарбий мақсадларда фойдаланиш юзасидан тузилган кичик комиссиянинг раиси бўлган Жексоннинг бу масалаларнинг ҳаммасида ҳам кўп нарсаларни билиши маълум бўлди.

— Шундай экан, жаноб, — дедим мен, — бизлар ўзаро баб-баравар хавфсизлик манфаатларини назарда тутиб, ядро қуролларини оз-оздан камайтириб борсак-да, кейинчалик уларнинг ҳаммасини — ядро қурол-яроғлари борми, ҳар хил «минитмен»лар ва уларга ўхшаган нарсалар борми,— ҳаммасини йўқотиб ташласак, қандай бўларкин?

Очиғини айтсам, мен бундай саволни ўртага ташлаганимдан ғоятда мамнун бўлган эдим. Бу савол менинг наздимда ғоятда мантиқли савол эди, бунга бўладиган жавоб ҳам шу зайлда бўлса керак деб умид қилган эдим. Бироқ кутилган мақсад чиппакка чиқди.

— Йўқ, — жавоб берди сенатор, — «минитмен»ларни йўқотиб бўлмайди.

— Хўш, нега бундай деяпсиз, жаноб?

— Уларни йўқотиб юбориш мутлақо хавфли! Сизлар 250 миллион кишисиз, биз энди 200 миллионга етдик. Кучлар сира тенг эмас. Биз бундан ютқизамиз.

Сенатор ана шу сўзларни айтди-ю, дарҳол менинг кўзларимга синовчан тикилди. Афтидан бу гаплар менга қандай таъсир кўрсатганлигини пайқаб олмоқчи бўлар эди. Шундан сўнг менда суҳбатни яна давом эттиришдан бўлак илож қолмаган эди. Шунинг учун мен сўрадим:

— Ўзаро қуролсизланиш амалга оширилгандан сўнг қуролсиз кишилардан ҳавотирланиб ўтиришимизга ҳожат қолмаса керак деб ўйлайман, жаноб?

— О, бу гапларни гапириб овора бўлиб ўтирманг!

— Лекин бизларни океан ажратиб турганлигини ёдингизда сақлашингизни сўрардим, сенатор.

— Э, сизлар океанлардан ҳам ўтиб келаверасизлар, мен сизларни яхши биламан...

— Регистр тоннажи етишмасмикан, — деб махсус терминни ишлатишга мажбур бўлдим.

— Сузиб бўлса ҳам ўтиб оласизлар!

— Болалардан ҳам чўчийсизми? Улар ана шу 250 миллионнинг ичида-ку.

— Океандан сузиб ўтгунча катта бўлиб қолишади улар,— ўйламай-нетмай жавоб берарди сенатор.

Менинг саволларимга унинг бунчалик «донолик» билан жавоб қайтараётганига қойил қолиб, унга бир лаҳза тикилдим, лекин у бу гапларни жиддий айтаётган эди. Унинг нигоҳида ҳазил-мутойибадан заррача нишон пайқамадим. Юзида кулгидан бирон соя ҳам сезилмасди. У қошларини чимирганча стол тортмасидан автомат пистолетини чиқариб қўйди.

Шунда мен сенатор Генри М. Жексон ҳазил-мутойиба қилиш ҳиссидан, замон ҳиссидан жуда узоқ эканлигини англадим.

Маълумки, у конгрессга 1953 йилда «совуқ уруш» айни авжига минган бир даврда келган эди, ўша пайтдан буён жаҳонда юз берган ўзгаришларнинг биронтаси унга таъсир кўрсатмай келаётганлигига ақлим бовар қилмай ҳайрон бўлардим.

Қадим замонлардан қолган бир рус мақоли бор. Ўша бирданига эсимга тушди: қишлоқда бир кекса дарвеш одам яшар экан. У кўп нарсаларнинг фарқига бормас экан. У кўчадан дон ортилган арава ўтса ҳам, тобут олиб бораётган улов ўтса ҳам, «баракасини берсин» деб дуо қилаверар экан. Афтидан бундай нақллар Америкага етиб бормаганга ўхшайди. Айниқса Жексонга ўхшаганларнинг қулоғига чалинмагандек туюлади.

Илгариги вақтларда бундай воқеаларни кўриб ачинилса бўларди. Чунки, икки мамлакат ўртасида алоқа воситалари унчалик яхши бўлмаган эди. Энди-чи? Энди замон бутунлай бошқача. Бу нақл эҳтимол Жексоннинг ота-боболари қулоғига етмагандир. Шундай бир пайтда унинг ворисларига, жумладан сенатор жанобларига етиб бормаганига ачинасан киши.

Н. ЛУЗИН (АПН).

ҒАЛАБАЛАРИМИЗНИНГ БИТМАС-ТУГАНМАС МАНБАИ

(Боши биринчи бетда).

давлатининг душманлари миллатчилик кучлари интернационализм ғояларидан устунлик қилишига умид боғлаган эдилар. Бироқ, уларнинг умидларига зид равишда собиқ чор империяси вайроналари ўрнида жаҳон тарихида мисли кўрилмаган, сифат жиҳатидан янги социалистик давлат бунёдга келди. Буржуа сиёсатчилари нуқтаи назаридан тушуниб бўлмайдиган бир ҳодиса рўй берди: ўз тақдирини ўзи белгилаш имконини олган халқлар бирбирларидан ажралиб турмадилар, аксинча, улар янада яқинроқ бирлашишга интилдилар. Миллион-миллион ишчи ва деҳқонлар революцион ғоялар туфайли ўз кучларини бирлаштириш — социал адолат ва миллий тенглик тўғрисидаги орзу-умидларни рўёбга чиқаришнинг гарови эканлигини тушундилар.

Эстон коммунистлари 1918 йил январь хитобномасида бундай деб ёздилар: «Россиядан ажралиш эмас, балки Россия меҳнаткашлари билан жуда маҳкам ва қардошлик иттифоқи тузиш — бизнинг шиоримиз ана шундай. Революция бизни Россиянинг меҳнаткаш халқи билан бирлаштирди... Шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари ишчиларнинг интернационал оиласи аъзолари эканликларини бир дақиқа ҳам унутмасинлар». Эстония меҳнаткашлари революцион курашнинг даҳшатли йиллари давомида ана шу оташин хитобномага содиқ бўлиб қолдилар.

Халқаро империализм ички контрреволюция билан биргаликда ўша вақтда Эстониядаги Совет ҳокимиятини бўғиб ташлади. Йигирма йил давом этган буржуа ҳукмронлиги даврида ашаддий сиёсий реакция ҳукмронлик қилди, меҳнаткаш халқ бошига азоб-уқубатлар тушди, мамлакат капиталистик бозорнинг аграр—хом ашё қўшоғига айланиб қолди.

Аммо эстон халқи ўзининг ҳал қилувчи сўзини айтди, қайси йўлдан бормоқчи эканлигини кескин маълум қилди. Совет Эстонияси Совет республикаларининг қардошлик оиласига ихтиёрий равишда қўшилди. Бу эса эстон халқининг миллий манфаатларини ҳимоя қилишни, туб социал-сиёсий проблемаларни муваффақиятли равишда амалга оширишни таъминлади. Ўз навбатида ёш мустақил республикаларнинг Совет Иттифоқи составига кириши совет халқининг куч ва имкониятларини кўпайтирди.

Совет халқлари социалистик республикаларнинг қардошлик иттифоқига жипслашиш туфайли сиёсий, иқтисодий ва маданий турмушнинг ҳамма соҳаларида равнақ топиш учун жуда катта имкониятларни қўлга олишлари мумкинлиги тўғрисидаги хулосани дарсликлардан эмас, балки ўзларининг ҳаёт тажрибаларидан чиқариб олдилар. Эстон меҳнатчиларининг ҳақиқий имкониятлари социализм шароитидагина, совет халқларининг қардошлик оиласидагина рўёбга чиқди, деб таъкидлади Ю. В. Андропов. Шуни айтиш кифоя қиладики, ҳозир республика 1940 йилдагига нисбатан 34 баравар кўп саноат маҳсулоти ишлаб чиқармоқда.

Сўнгра Ю. В. Андропов мамлакат экономикасини ривожлантириш натижалари тўғрисида, хўжалик қурилишининг КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумида атрофлича кўриб чиқилган бундан буёнги режалари ҳақида гапирди. Бу пленум, деди нотиқ сўзини давом эттириб, партия ҳал этаётган вазифаларни ишчанлик билан принципиал муҳокама қилиш руҳида ўтди. Ўртоқ Л. И. Брежнев партия фаолиятини, совет халқининг шу беш йилликдаги бунёдкорлик меҳнатини чуқур анализ қилиб берди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқида иқтисодий қурилишнинг, беш йиллик план топшириқларини бажаришнинг, халқ хўжалигини, мамлакатимиз меҳнаткашлари турмушининг моддий ва маданий даражасини янада юксалтиришнинг йўллари ва методлари тўғрисидаги принципиал қоидалар баён этиб берилди.

Нотиқ мамлакат экономикасини ривожлантиришнинг юксак суръатларини тавсифлаб, шуни таъкидладики, партия саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни доимо совет кишиларининг турмушини яхшилаш базаси деб билади. Шу жиҳатдан олганда беш йиллик топшириқлари изчиллик ва собитқадамлик билан ҳал этилмоқда, деб тўла асос билан айтиш мумкин. Ҳар уч ишчи ва хизматчидан бирининг иш ҳақи оширилди. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар тахминан 13,5 процент ортди.

Беш йиллик топшириқларини бажаришга Эстония меҳнаткашлари ҳам ҳисса қўшдилар. Эндиликда республика экономикасининг қиёфасини замонавий энергетика, химия индустрияси, аниқ машинасозлик, электроника белгилаб турибди. Ҳозир республика ҳар 10 кунда бутун 1940 йилдагидан кўпроқ саноат маҳсулоти ишлаб чиқармоқда.

Эстония дала ва фермаларининг ходимлари хўжаликларнинг товар маҳсулот етиштиришини анча кўпайтиришга муваффақ бўлдилар.

Ю. В. Андропов Эстониянинг илғор ишчи ва хизматчилари, унинг бутун мамлакатга машҳур ва қадрли бўлган ажойиб маданият ходимлари номларини тилга олади.

Шундан кейин нотиқ бундай деб таъкидлади; Ленин таълимотига содиқ бўлган коммунистлар хотиржамликка берилмай, ҳал этилмаган масалаларни унутмай, байрам кунлари ҳам камчиликлар тўғрисида гапиришлари керак.

Совет халқи келажакка комил ишонч билан боқмоқда, деди, нотиқ сўзини давом эттириб, бизнинг коммунистик умидворлигимиз марксизм-ленинизмнинг буюк ҳаётий кучига, омманинг ижодкорлигига таянади. Коммунизм сари қилаётган ҳаракатимизга жангларда тобланган, синалган, ижтимоий ривожланиш қонунлари тўғрисидаги билимлар билан қуролланган Ленин партияси бошчилик қилаётганлиги — муваффақиятларимизнинг гаровидир. Совет кишилари барча зафарларимизда ленинчи Марказий Комитетнинг раҳнамолик фаолиятини, унинг Бош секретари Л. И. Брежневнинг ҳормай-толмай қилаётган меҳнатини кўриб турибдилар.

Сўнгра нотиқ партия XXIV съезди белгилаб берган ташқи сиёсат йўлини амалга ошириш тўғрисида гапирди. Совет давлатининг ташқи сиёсати илгари ҳеч қачон бу қадар таъсирчан бўлмаган эди, ҳеч қачон бу қадар қисқа муддатлар ичида шундай катта натижаларни бермаган эди, деб таъкидлади. Бу натижаларга эришишда ўртоқ Л. И. Брежневнинг АҚШ, ГФР, Францияга қилган визитлари муҳим роль ўйнади. Яқинда бўлиб ўтган олий даражадаги Совет — Ҳиндистон музокаралари ва имзоланган ҳужжатлар ҳам Тинчлик программасининг конкрет ифодасидир. Ана шу визитлар, партиямизнинг бутун ташқи сиёсат фаолияти туфайли ҳозир халқаро вазият кўп жиҳатдан Совет Иттифоқининг тинчлик ташаббуслари таъсири остида шаклланиб бормоқда.

Ю. В. Андропов халқаро ҳаёт ривожидаги ижобий тенденциялар тўғрисида гапириб, бундай деб таъкидлади: биз империализм агрессив доираларининг хатарли ҳаракатларидан асло кўз юмаётганимиз йўқ. Буржуа давлатларида ҳозир ҳам кескинликни юмшатиш душманлари иш кўрмоқдалар, уларнинг фикр-мулоҳазалари ҳарбий мухолифлик доирасидан четга чиқмаётир. «Совуқ уруш» ихлосмандлари тинчлик йўлидаги одимларга қаршилик қилишга интилмоқдалар. Шу сабабли биз, ўртоқ Л. И. Брежнев айтганидек, уларнинг кирдикорларига нисбатан хушёр бўлиб туришимиз керак. Халқаро кескинликни юмшатиш жараёни халқаро майдонда синфий курашни тўхтатишни билдирмайди. Империализм дунёдаги янги вазиятга мослашиб олиб, социалистик мамлакатларга, шу жумладан Совет Иттифоқига «ўз мафкурасини тиқиштириш»ни кучайтиришга уринмоқда. Бу ишларда муҳожир миллатчи муртодлардан фойдаланишга ҳам каттагина ўрин берилмоқда. Бундай ҳаракатлардан кузатилган мақсад-миллатчилик кўринишларини кучайтиришдан, социалистик жамиятни «нуратиш»га эришишдан иборат. Шу сиёсатчиларга дарҳол: «Умидингизга ета олмайсиз» деб айтиб қўйишимиз мумкин. Биз манавий бойликларни баҳам кўриш тарафдоримиз. Бизнинг баҳам кўрадиган, кўрсатадиган нарсаларимиз кўп. Аммо биз бундай алоқалардан, бундай ҳамкорликдан кўпорувчилик мақсадларида фойдаланиш йўлидаги ҳар қандай уринишларни кескин рад қиламиз ва бундан буён ҳам рад қилаверамиз.

Бугун биз тўла асос билан айта оламизки, ғарбнинг ҳарбий-саноат комплекслари ҳам, маочиларнинг кирдикорлари ҳам халқаро ривожланиш йўлини белгилаб бераётгани йўқ. Эндиликда тинчлик, тараққиёт ва социализм кучлари тарихнинг магистрал йўлини очиб бормоқда. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг тинчлик ҳужуми муваффақиятли равишда ривожланмоқда. Ташқи сиёсатимизнинг кучи шундаки, у тинч ривожланишнинг объектив қонунларини ўзида тўғри ифодаламоқда. Бу сиёсат совет халқининг, барча мамлакатлар меҳнаткашларининг туб манфаатларига мос бўлиб тушмоқда. Империализмга қарши, мустаҳкам тинчлик ва хавфсизлик учун курашда биз қардош коммунистик ва ишчи партиялар билан, миллий озодлик, ва социал тараққиёт учун курашаётган барча кучлар билан бирга ҳаракат қилмоқдамиз.

Совет Иттифоқи ички ва халқаро вазифаларни ҳал этишда катта муваффақиятларга эришди. Биз янги 1974 йил бўсағасида туриб, эришилган ютуқларни фахрланиб якунламоқдамиз. Социалистик Ватанимиз халқлари партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети раҳбарлигида коммунизм қурилишида янги зафарларга эришишларига шак-шубҳа йўқ.

Пировардида Ю. В.Андропов СССР Олий Совети Президиумининг Эстония ССРни мукофотлаш тўғрисидаги Фармонини ва СССР Олий Совети Президиумининг Таллин шаҳрини мукофотлаш тўғрисидаги фармонини ўқиб эшиттиради. У тантанали мажлис қатнашчиларининг қарсаклари остида Халқлар дўстлиги орденини Эстония ССР байроғига ва Ленин орденини Таллин шаҳри байроғига тақиб қўяди, мажлис аҳлини юксак мукофотлар билан яна бир бор муборакбод қилади ва уларга янги муваффақиятлар тилайди.

Ю. В. Андропов нутқи давомли қарсаклар билан бир неча марта бўлиниб турди.

Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Г. Кэбин жавоб нутқи сўзлади. У юксак мукофотлар учун КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига ва Совет ҳукуматига Эстония Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети ва Министрлар Совети номидан, республиканинг барча меҳнаткашлари номидан самимий миннатдорчилик изҳор қилди.

И. Г. Кэбин республиканинг халқ хўжалигини ривожлантиришдаги муваффақиятлари тўғрисида батафсил гапириб берди, бу муваффақиятларга КПССнинг доно ленинча миллий сиёсати, совет халқларининг дўстлиги ва ҳар томонлама ҳамкорлиги туфайли эришиш мумкин бўлганлигини айтди.

Тўққизинчи беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йили, деб таъкидлади нотиқ, совет халқининг коммунистик қурилишдаги ажойиб ютуқлари билан нишонланди. КПСС Марказий Комитетининг 1973 йил декабрь Пленуми, СССР Олий Советининг еттинчи сессияси қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумдаги нутқида баён этилган қоидалар ва хулосалар эстон халқининг сиёсий ва меҳнат активлигини янада жўш урдириб юборди.

Совет Эстониясининг коммунистлари, меҳнаткашлари, деб таъкидлади И. Г. Кэбин, КПСС Марказий Комитети, Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси, шахсан ўртоқ Л. И. Брежневнинг коммунизм қурилиши учун қулай шарт-шароитларни таъминлаб беришга, тинчликни мустаҳкамлашга, халқлар озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилишга қаратилган актив, аниқ мақсадни кўзловчи фаолиятини қизғин маъқулламоқдалар.

Сўзининг охирида И. Г. Кэбин бундай деди: республика меҳнаткашлари мукофотларни қабул қилиб олар эканлар, халқларнинг ленинча дўстлигини бундан буён ҳам муқаддас асраб, мустаҳкамлай берадилар, ватанпарварлик ва социалистик интернационализм байроғини баланд кўтараверадилар. Совет Эстониясининг коммунистлари, меҳнаткашлари ўз сафларини жонажон Коммунистик партия ва унинг жанговар штаби — ленинчи Марказий Комитет теварагига янада маҳкамроқ жипслаштирадилар.

Мажлисда сўзга чиққан «Эстонсланец» тресги «Эстония» шахтаси кон ишчилари бригадасининг бошлиғи, СССР Олий Советининг депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Г. Пертель, «Ҳурмат Белгиси» орденли, Ю. Гагарин номли таянч-тажриба совхоз-техникумининг директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Т. И. Сооалусте, Эстония ССР Фанлар академиясининг президенти К. К. Ребане, биринчи ранг капитани С. А. Смирнов, Эстония комсомоли Виру район комитетининг биринчи секретари М. Г. Леоск Коммунистик партия билан Совет давлатига чуқур миннатдорчилик ва самимий ташаккур сўзларини айтдилар. Улар шуни таъкидладиларки, Эстония меҳнаткашлари Ватаннинг мукофотларига жавобан коммунистик қурилиш программасини амалга ошириш, партия XXIV съезди қарорларини, тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун кучларини аямайдилар.

Тантанали мажлис қатнашчилари баланд руҳ билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советига табрикнома қабул қилдилар.

Чирчиқдаги қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати коллективи йилни муваффақиятли якунламоқда. Бу ерда «Лазер нури» прибори ўрнатилди. Суратда: Амир Галиев янги прибор ёнида.

И. Глауберзон фотоси.

САМОВИЙ ШАҲАРЧАДА БАЙРАМ

(Боши биринчи бетда).

«Союз-13» кемасининг экипажи вазнсизлик ҳолатида бош мияда қон айланишини ўрганиш билан боғлиқ бўлган экспериментларни ўтказди.

...Ниҳоят қиш осмонида кумушсимон нуқта кўзга чалинди. Орадан бир неча минут ўтгач, самолёт ерга қўнди. Тез орада ундан космонавтлар — Петр Климук билан Валентин Лебедев чиқиб келдилар. Уларни ҳамма қизғин қарсаклар билан кутиб олади.

Космонавтлар шаҳдам одим ташлаб, давлат комиссияси вакиллари томон йўл оладилар. Экипаж командири Петр Климук парвоз программаси бажарилганлиги тўғрисида рапорт беради.

Қаҳрамонлар қариндош-уруғларининг, космонавтлар ва дўстларининг қучоғига ташланадилар. Уларга гулдасталар тутилади.

Самовий шаҳарча космос тадқиқотчиларига мунтазир. Машиналар карвони аэродромдан йўлга чиқади. Шаҳарчада байрам кайфияти ҳукм сурмоқда.

Машиналар янги барпо этилган ва қор босган ҳиёбон яқинида тўхтайди, бу ерда Юрий Алексеевич Гагариннинг бронзадан қуйилган ҳайкали бор. «Союз-13» кемасининг экипажи ҳайкал ёнига келиб, унинг супачасига гуллар қўйди.

Сўнгра Петр Климук билан Валентин Лебедев космонавтларнинг, дўстлари ва қариндош-уруғларининг даврасида Маданият саройига йўл оладилар. Бу ерда уларни олимлар, конструкторлар, инженерлар, ишчилар, хуллас, космонавтларни парвозга тайёрлаган кишиларнинг ҳаммаси кутиб турар эди.

Митингни Ю. А. Гагарин номли космонавтлар тайёрлаш марказининг раҳбари, авиация генерал-майори, СССРнинг космонавт учувчиси Г. Т. Береговой очди.

СССРнинг космонавт учувчиси П. Р. Попович, Самовий шаҳарда партия, жамоат ташкилотларининг вакиллари, пионерлар космоснинг янги тадқиқотчиларини самимий табрикладилар.

Митингда сўзга чиққан олимлар, конструкторлик ташкилотларининг, медицина-биология муассасаларининг ходимлари ва бошқалар экипажнинг ишини якунладилар. Улар парвоз программаси тўла-тўкис бажарилганлигини ва шу тариқа космик техникани такомиллаштириш ва космик фазони тадқиқ этиш йўлида навбатдаги қадам қўйилганлигини таъкидладилар.

Петр Климук билан Валентин Лебедевнинг нутқлари зўр эътибор билан тингланди. Улар космик кеманинг фазилатлари тўғрисида, орбитада нақадар ижодий завқ-шавқ билан меҳнат қилганликлари ҳақида гапирдилар. Космонавтлар Ватаннинг ҳар қандай топшириғини бажаришга тайёр эканликларини айтдилар.

Митинг қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар.

(ТАСС).

Самовий шаҳарча.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

И. КОМИЛОВ БИЛАН Б. НИШОНОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ РАССОМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллар, самарали ишлаганлиги, керамик буюмлар ва уларнинг нақшларини яратганлиги ҳамда янги ноёб нусхаларни жорий этганликлари учун қуйидагиларга «Ўзбекистон ССР халқ рассоми» фахрий унвони берилсин:

Комилов Иброҳимжон — Риштондаги бадиий керамик буюмлар заводининг катта моделчиси.

Нишонов Бобожон — Риштондаги бадиий керамик буюмлар заводи конструкторлик технология бюросининг бош рассоми.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. МАТЧОНОВ,
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ҳ. ПУЛАТОВА.

1973 йил, 26 декабрь.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Риштондаги бадиий керамик буюмлар заводини реконструкция қилиш ва кенгайтиришда актив қатнашганлиги учун Фарғонадаги «Узэлектромонтаж» махсус тресги бошқармасининг электр монтажчилар бригадаси бошлиғи Андрей Владимирович **Манкни** ва Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлигининг 9-трестига қарашли 54-кўчма механизациялашган колонна ғишт терувчиси Олимжон **Маҳмудовни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йиллар самарали ишлаганлиги, керамик буюмларнинг янги нусхалари ва нақшларини яратганлиги ҳамда маҳсулот турини кўпайтирганлиги учун Риштондаги бадиий керамик буюмлар заводининг мастерларидан Замзам **Бобоев**, Аҳмаджон **Дадабоев**, Ҳакимжон **Далиев**, Ҳолматжон **Қамбаров**, Нуъмонжон **Мамажонов**, Мўйдинжон **Тошматов**, Мухтор **Усмонов**, Расулжон **Ҳамидов** ва Зуфаржон **Эргашевларни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йиллар, самарали ишлаганлиги, капитал қурилиш ва лойиҳалаш соҳасидаги катта хизматлари учун «Узгипросельхозводоснабжение» лойиҳалаш институтининг директори Ғаффор Умарович **Алиевга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор» фахрий унвонини берди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йиллар, самарали ишлаганлиги ва Ўзбекистонда станоксозликни ривожлантиришда актив қатнашганлиги учун «Главхлопкомаш» давлат машинасозлик конструкторлик-технологик лойиҳа бюроси бошлиғининг ўринбосари Виктор Иванович **Чернявскийни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

МУХБИРЛАРНИНГ СЕМИНАР-КЕНГАШИ

«Совет Ўзбекистони» ва «Правда Востока» газеталари мухбирларининг икки кунлик семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда КПСС Марказий Комитетининг 1973 йил декабрь Пленуми белгилаб берган режалар муносабати билан республикамиз матбуоти ва журналистлари олдида турган энг муҳим вазифалар тўғрисида суҳбатлашиб олинди.

Семинарда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудирлари Г. М. Орлов, Ҳ. Ю. Аслитдинова, Т. И. Зинин, оғир саноат ва машинасозлик бўлими мудири ўринбосари Н. Р. Ибрагимов ўртоқлар ташкилий-партиявий ишлар савиясини янада юқори кўтариш, республикамиз саноатининг 1974 йилдаги тараққиёти, КПСС XXIV съезди ва КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорлари асосида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ҳамда республикада идеология ишини янада кучайтириш масалалари ҳақида гапириб бердилар. Семинар қатнашчилари халқаро аҳвол, фан, маданият, капитал қурилиш каби муҳим мавзуларда лекциялар тингладилар.

Амин Эрматович НИЁЗОВ



Шу йилнинг 26 декабрида 1925 йилдан КПСС аъзоси, Иттифоқ аҳамиятига молик шахсий пенсионер Амин Эрматович Ниёзов 71 ёшида вафот этди. Республикамиз партия ташкилоти, Ўзбекистон меҳнаткашлари оғир жудоликка учрадилар. Бутун кучини, билими ва қобилиятини социалистик Ўзбекистоннинг экономикаси ва маданиятини тараққий эттириш ва мустаҳкамлашга бағишлаган кекса коммунистларидан ва республика раҳбар ходимларидан бири орамиздан кетди.

Амин Эрматович Ниёзов 1903 йилда Фарғона областининг Марғилон районидаги Оқтепа қишлоғида ўртаҳол деҳқон оиласида дунёга келди. У ўз меҳнат фаолиятини 1919 йилда Фарғона Упродкомининг озиқ-овқат оқсоқоли сифатида бошлади. Ўша йили Ўзбекистон ЛКСМ сафига қабул қилинди, камбағалларга ёрдам комиссиясининг раислигига тайинланди, 1920-1922 йилларда Фарғона шаҳрида милиция бошлиғининг ёрдамчиси, фавқулодда комиссиянинг ходими бўлиб ишлади. Шундан кейин область совет-партия мактабида ўқиди. Уни тамомлагач, уезд милициясининг ҳарбий комиссари, область уруғчилик фондининг мудири, ер ислоҳоти ўтказиш область комиссиясининг секретари, область молия бўлимининг мудири, «Текстильстрой» бошлиғининг ўринбосари каби катор масъулиятли лавозимларда ишлади.

1930 йилда А. Э. Ниёзов Москва саноат академиясига ўқишга юборилди, уни тамомлагач, олти йил мобайнида катта прораб, катта инженер, «Чирчикстрой» ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари вазифаларида ишлади.

1940 йилда у Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қурилиш бўлимининг мудири лавозимига кўтарилди. 1940 йилдан 1946 йилгача Ўзбекистон ССР Молия халқ комиссари, 1946-1947 йилларда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари бўлиб ишлади.

1947 йилдан 1950 йилгача Амин Эрматович Ниёзов Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси, бўлиб турди. 1950 йилдан 1955 йилгача Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари лавозимида ишлади. 1956 йилдан 1960 йилгача республика коммунал хўжалик министри, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг газ ва коммунал хўжалиги бош бошқармасининг бошлиғи вазифаларида ишлади.

Партия уни қандай хизматга юбормасин, Амин Эрматович Ниёзов ҳамма ерда ғоят меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, партиявий принципиаллик ва ғоявийлик кўрсатиб меҳнат қилди, топширилган ишга юксак масъулият билан муносабатда бўлди. У доимо ўзининг соддалиги ва камтарлиги билан ажралиб турарди, кишиларга ғамхўр, сезгир ва меҳрибонлик билан муносабатда бўлиш каби ажойиб фазилатларга эга эди.

А. Э. Ниёзов бир неча бор Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолигига сайланди. У КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советларининг депутати эди. У икки марта Ленин ордени, уч марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени, икки марта Қизил Байроқ ордени ва медаллар билан мукофотланган эди. Унга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор» Фахрий унвони берилган эди.

Коммунистик партия ва халқнинг содиқ фарзанди, социалистик Ватанимизнинг оташин ватанпарвари, истеъдодли ташкилотчи ва ажойиб инсон Амин Эрматович Ниёзовнинг ёрқин хотираси Ўзбекистон меҳнаткашларининг қалбларида ҳамиша сақланади.

Ш. Р. Рашидов, Н. М. Матчонов, Н. Ж. Худойбердиев, И. Г. Анисимкин, С. Е. Белоножко, А. Д. Бесчастнов, И. Р. Курбонов, В. Г. Ломоносов, М. М. Мусахонов, О. У. Салимов, Т. Н. Осетров, Қ. Камолов, Н. М. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, А. А. Хўжаев, А. С. Абдалин, Р. Ҳ. Абдуллаева, Г. А. Габриельянц, С. К. Зиёдуллаев, И. В. Марцинюк, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев, А. А. Абдураҳмонов, С. К. Камолов, М. М. Корнев, В. В. Окунский, В. С. Содиқова, Б. Усмонхўжаев, Ф. Ш. Шамсутдинов.

А. Э. НИЕЗОВНИ ДАФН ҚИЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қарор қиладилар:

1. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ биринчи секретари, Иттифоқ аҳамиятидаги шахсий пенсионер А. Э. Ниёзовни дафн қилишни ташкил этиш учун В. Г. Ломоносов (раис), А. А. Хўжаев, А. Р. Хўжаев, В. В. Окунский, В. С. Содиқова ўртоқлардан иборат ҳукумат комиссияси тузилсин.
2. А. Э. Ниёзов Чиғатой қабристонига дафн этилсин.
3. А. Э. Ниёзовни дафн қилишни ташкил этишга кетадиган харажатлар давлат ҳисобидан сарфлансин.

А. Э. Ниёзовни дафн этиш

Ўзбекистон пойтахти 27 декабрь куни таниқли партия ва давлат ходими, кекса коммунистлардан бири Амин Эрматович Ниёзов билан видолашди.

Марҳумнинг жасади солинган тобут қўйилган «Баҳор» залига минглаб тошкентликлар келишди. Тобут ёнига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, республика Министрлар Советидан, турли ташкилотлар ва меҳнаткашлар коллективларидан, қариндош-уруғлари ва ёр-биродарларидан гулчамбарлар қўйилди. Ватан А. Э. Ниёзов меҳнатини тақдирлаб берган кўпгина орден ва медаллар духоба ёстиқларга қўйилган.

Бўлиб ўтган мотам митингида сўзга чиққанлар А. Э. Ниёзовнинг катта хизматлари тўғрисида, республика Олий Совети Президиумининг Раиси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари лавозимида ва бошқа лавозимларда ишлаган чоғида ўзининг моҳир ташкилотчи эканлигини кўрсатганлиги, Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ва маданиятини ривожлантиришга кўп куч ва ғайрат сарфлаганлигини айтдилар. Мотам митингида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, республика ҳукуматининг аъзолари, СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советларининг депутатлари, Ўзбекистон партия, совет ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари қатнашдилар.

А. Э. Ниёзов Чиғатой қабристонига дафн этилди. (ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ СОВЕТЛАРИНИНГ СЕССИЯЛАРИ

ГУЛИСТОН, 26 декабрь. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда меҳнаткашлар депутатлари Сирдарё область Советининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Сессияда областнинг 1974 йилги халқ хўжалик плани ва маҳаллий бюджети ҳамда 1972 йилги бюджетнинг ижроси тўғрисидаги ҳисобот кўриб чиқилди ва тасдиқланди.

Депутатлар область Советининг савдо ва маиший хизмат кўрсатиш доимий комиссияси ҳисоботини муҳокама қилдилар, ижроия комитетнинг 1974 йилги перспектив иш планини кўриб чиқдилар.

* * *

НАМАНГАН, 26 декабрь. (ЎзТАГ). Меҳнаткашлар депутатлари Наманган область Советининг бугун бу ерда ўтказилган сессиясида область халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги плани ва маҳаллий бюджети, 1972 йилги бюджетнинг бажарилганлиги тўғрисида ҳисобот тасдиқланди. Область Совети ижроия комитетининг 1973 йилги иши тўғрисидаги ҳисобот ҳам муҳокама қилинди.

* * *

САМАРҚАНД, 25 декабрь. (ЎзТАГ). Меҳнаткашлар депутатлари Самарқанд область Советининг бугун бўлиб ўтган сессиясида область халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги плани, шунингдек областнинг келгуси йилги маҳаллий бюджети ва 1972 йилги маҳаллий бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот тасдиқланди.

* * *

АНДИЖОН, 25 декабрь. (ЎзТАГ). Бугун меҳнаткашлар депутатлари Андижон область Советининг сессияси бўлди.

Депутатлар халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги планини ва областнинг 1974 йилги маҳаллий бюджетини, 1972 йилги бюджетнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқладилар, область ижроия комитетининг 1973 йилда қилган иши тўғрисидаги ҳисоботини тингладилар.

Сессияда ташкилий масала кўриб чиқилди. П. Қаюмов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан у область ижроия комитети раиси вазифасидан озод қилинди. Д. Х. Ҳасанов Андижон область ижроия комитетининг раиси қилиб сайланди.

* * *

ТЕРМИЗ, 27 декабрь. (ЎзТАГ). Кеча меҳнаткашлар депутатлари Сурхондарё область Советининг сессияси бўлиб ўтди. Сессия область халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги давлат плани ҳамда маҳаллий бюджетини, 1972 йил бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади. Депутатлар область Совети ижроия комитетининг 1973 йилги иши ҳақидаги ҳисоботни ҳам муҳокама қилдилар.

Олий таълим ва ҳаёт талаби

ЧИЗМАЧИЛИК—САНЪАТ

Халқ хўжалигининг энг муҳим тармоғи бўлган саноат корхоналари учун кўплаб малакали мутахассислар — инженер кадрларни тайёрлаш ишида республикамиздаги олий техника ўқув юртларининг хизмати катта. Лекин бу олий ўқув юртларида етук ва ҳаёт талабларига жавоб бера оладиган кадрлар тйаёрлашни янада яхшилаш имкониятлари бор. Бир мисол. Институтларга қабул қилинган ёшларнинг баъзилари бир-икки йил ўқигандан кейин ўқишни ташлаб кетмоқдалар. Бундай ачинарли аҳволнинг рўй беришига биринчи сабаб—республикамизнинг баъзи область мактабларида чизмачилик фани қониқарсиз ўқитилаётганлигидир.

Шу йилнинг биринчи ярмида Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ректорати Қашқадарё область мактабларида физика, математика ва чизмачилик фанлари бўйича машғулотларнинг қай даражада олиб борилаётгани билан танишиш ва уларга ёрдам кўрсатиш мақсадида бир группа малакали муаллимларни командировкага юборди. Бизни ўқув программаларига мувофиқ шу фанларнинг ўқитилиши, айниқса, физика, математика, чизмачиликнинг юксак илмий асосда болаларга тушунарли ва қизиқарли қилиб ўтилиши, лаборатория ва кабинетларнинг зарур замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши кўпроқ қизиқтирарди. Манзара биз кутгандек бўлиб чиқмади. Физика ва математика машғулотларининг ўтилиши қониқарли, деб айтиш мумкин. Лекин чизмачилик фани бўйича ўтилаётган машғулотлар программа талабларига тўла жавоб бермайди.

Бу каби нуқсонлар республиканинг бошқа областларида ҳам топилади. Бунинг асосий сабаби мактабларда чизмачилик фани бўйича таълим берувчи малакали ўқитувчиларнинг камлигидир. Бу аҳволни халқ маорифи бўлимларидаги раҳбар ўртоқлар яхши билсалар-да, негадир бу муҳим масалага етарли эътибор бермаётирлар. Шуниси ачинарлики, айрим мактаб раҳбарлари чизмачилик фанидан дарс беришни бошқа соҳада ишловчи касб эгаларига топшириб қўйишган. Масалан, Қашқадарё областининг Чироқчи районидаги Жданов номли 7- мактабда чизмачилик дарсини биология фани ўқитувчиси олиб боради. У бундан ўн йил муқаддам чизмачиликдан 7-синфда нима «ўқиган» бўлса, шуни ўқувчиларга «ўргатар» экан. Болалар томонидан бажарилган вазифаларни ва уларга қўйилган «аъло» ва «яхши» баҳоларни кўриб, бу муаллимнинг чизмачиликдан мутлақо бехабар эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз. «Нима учун чизмачиликнинг яқинидан ўтмаган бу кишига машғулот ўтишни топширдингиз?» —деган саволга, директор:

— Биринчидан, бу соҳа бўйича муаллимнинг йўқлиги, иккинчидан, бу ўртоққа биология фани бўйича дарс соатининг етишмаслиги сабаб бўлди, — деб жавоб қилди. Бундай ачинарли аҳволни областдаги бошқа мактабларда ҳам учратиш мумкин. Бунинг устига мактабларнинг бирортасида ҳам чизмачилик кабинети ёки зали ташкил қилинмаган. Шунингдек, бу фанни пухта ўзлаштиришнинг муҳим омили бўлган плакатлар, ўқув қўлланмалари, дарсликлар, чизма тахталари, асбоблар, моделлар, чизмачилик бўйича давлат нормаларини кўрсатувчи стандартлар, машина қисмлари ва узеллари, қирқим ва кесимларни яққол кўрсатувчи ашёвий далиллар ҳамда буларга тегишли чизмалар, қўйингки, чизмачиликка оид бирор кўргазмани учратмайсиз. Масалан, Қамашидаги Ҳамид Олимжон номли таянч мактабда, Қарши шаҳридаги Навоий номли мактабда ва Қарши Давлат педагогика институтида чизмачилик фанининг кўргазмали қуролларсиз ўтаётганлиги ачинарли ҳолдир. Бу нуқсонларнинг олдини олишда район, шаҳар ва область халқ маорифи бўлимлари, қолаверса, республика Маориф министрлиги конкрет чоралар кўришини ҳаёт тақозо этяпти.

Албатта, бундай камчиликларни тугатиш учун ҳали жуда кўп иш қилишга тўғри келади. Бу соҳада малакали кадрларни тайёрлаш энг асосий масала ҳисобланади. Бунинг учун, бизнингча, математика фанидан мутахассис бўлиб етишиб чиқаётган кадрларни математика ва чизмачилик соҳалари бўйича ҳам тайёрлаш зарур. Чунки чизмачилик математиканинг махсус тармоқларидан бири бўлмиш чизма геометрияга асосланган. Шунга кўра, математика ўқитувчилари чизма геометрияни, шу билан бирга чизмачиликни тез ўзлаштириши мумкин. Агар ҳамма педагогика институтлари қошида чизмачилик ва расм—чизиш факультетлари очилса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Тўғри, чизмачилик фани бўйича малакали ўқитувчилар тайёрлаш юзасидан Маориф министрлиги ўқув йилининг бошида баъзи бир чораларни кўрган бўлса-да, лекин шу кадрлар етишиб чиққунча, (бунгача, албатта беш-олти йил ўтади) мавжуд нуқсонларни тугатиш бўйича бирор аниқ тадбир кўрмаган.

Барча мактабларда чизмачилик ва расм чизиш кабинетлари, чизмачилик заллари ташкил қилиш ва уларни керакли асбоб-ускуналар билан таъминлашни ҳаёт талаб этяпти. Ўқувчиларни ҳозирги замон талабларига тўғри жавоб бера оладиган дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминлаш ҳам муҳим масала ҳисобланади. Бу борада ҳам ҳеч қандай чора кўрилмаган.

Муаллимларга ёрдам бериш мақсадида чизмачилик бўйича методик қўлланмалар тузиш ҳамда уларни мунтазам равишда малака ошириш институтларига юбориб туриш керак. Шунга ўхшаш масалаларни ҳал этмасдан туриб, чизмачиликдан дарс бериш ишларини тубдан яхшилаб бўлмайди.

Юқорида айтиб ўтилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этишда Маориф министрлиги аниқ чоралар кўради деб ишонамиз.

Ю. ҚИРҒИЗБОЕВ,
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг чизма геометрия ва машинасозлик чизмачилиги кафедрасининг мудири, доцент.

АХБОРОТ

ЛЕНИНГРАДДАН ХАТ

Шоликор агрегат

Канал қазувчи янги агрегат Бутуниттифоқ машинасозлик илмий тадқиқот институтида яратилган бўлиб, аввалгисидан кичиклиги билан фарқ қилади. Машина бор-йўғи 50 сантиметр чуқурликда ариқ қазиши мумкин. Бу машина Қорақалпоғистон АССР, Тошкент области ва республиканинг бошқа ерларидаги шоликорлик хўжаликларида жуда қўл келади. Ҳозирги пайтда шолипояларга сув ўтказиш учун катта-кичик каналлар грейдерлар ёрдамида амалга оширилардн. Биргина майдонга сув қуйиш учун грейдер 7—8 марта у ёқдан-бу ёққа ҳаракат қиларди. Ленинградлик мутахассислар яратган янги агрегат синовдан муваффақиятли ўтди. Қорақалпоғистон шолипояларида бундай машиналарда бир нечасидан фойдаланиляпти.

Янги агрегат унумдорлик жиҳатидан грейдерга нисбатан икки баробар устун эканлигини кўрсатди. Агрегат бир соат давомида узунлиги ярим километрлик каналнн қазиши мумкин. Бундай машиналар кўплаб ишлаб чиқаришга киришилади. Завод конвейеридан чиққан дастлабки агрегатлар Ўзбекистон ва Краснодар ўлкаси хўжаликларига йўл олади.

Полвон трактор

Киров номли заводдан чиқарилаётган тракторлар техник жиҳатдан талабга жавоб бериши билан ўзбекистонлик механизаторлар эътиборини қозонган. Ленинградлик конструкторлар бундай тракторнинг янги моделини кашф этишди. «К-701» маркали трактор двигатели 300 от кучига эга. Янги трактор ўзбекистонлик дала меҳнатчиларини ҳам қизиқтириб қолди. Шу муносабат билан «К-701» тракторининг ижодкорлари фикрини олдик:

— Янги тракторлар синов пайтида ғилдиракли агрегатларнинг энг яхшиси эканлигини кўрсатди. Янги қишлоқ хўжалик техникасини бошқариш осон. Трактор кабинаси механизаторларга шинамлиги билан ёқиб тушди. Трактор синов пайтида бир соатда 20,7 гектар майдонга дон экиб, 14,1 гектар ерға ишлов берди.

Р. СОБИТОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 19.10 — Москва области Ватанга рапорт беради (Москва). 20.00 — «Ахборот». 20.15 — Ўн минут музика. 20.25 — «Ахборот». 20.45 — «ОЛТИН ҚЎЛЛАР». 22.00 — «Вақт». 22.30 — Ота-оналар университети. 23.00 — **Универмаг витринаси ортида** (бадиий фильм). **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 18.30 — МОСКВА. 19.10 — Концерт (Тошкент). 20.00 — Концерт. 21.00 — Телеспектакль. 22.00 — Сиҳат-саломатлик (Тошкент). 22.30 — Москва бадиий академик театрида кеча. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — **Ҳужжатли фильм.** 19.35 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 20.05 — Тошкентнинг бугуни ва эртаси. 20.25 — Ҳужжатли фильмлар.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 28/XII да **Кармен,** 29/XII да **Чио-чио-сан.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/XII да **Олтин девор,** 29/XII да **Шоҳ Эдип.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 28/XII да **Ҳалима,** 29/XII да **Ужарлар,** 30/XII да **Ҳижрон.**

Х —

КИНО

Бошсиз чавандоз (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Қора қирол муаммоси — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

Қаллоб Цеплис — «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Ринг — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Муҳаббат алангаси (2 серия) — С РАҲИМОВ номли, Ғ ҒУЛОМ номли (кундуз ва кечқурун).

Садоқат (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Синган тақа — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун). «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Мен — Шаповалов «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда).

Инсонни излайман — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Рам ва Шам (2 серия, ўзбек тилида) — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Санников ери — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Дайди — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Иван Васильевич касбини ўзгартирмоқда (11.45, 13.30, 18.00), **Музика садолари** (15.15, 20.00): — «ЧАЙКА».

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

30 ДЕКАБРЬ КЕЧ СОАТ 7 ДА
ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

ЁШЛАР «ГЎЗАЛ» АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ва Қорақалпоғистон АССР халқ артисти
Гулшод ОТАБОЕВА.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:
ҚИЗЛАРХОН ДЎСТМУҲАМЕДОВА.
БАҲРОМ МАВЛОНОВ.

VII Жаҳон ёшлар фестивалининг лауреати
РАВШАН АКБАРБЕКОВ.

Бутуниттифоқ ёшлар фестивалининг лауреати
ШУҲРАТ ЙЎЛДОШЕВ

Республика музика-ижрочилар конкурсининг лауреати
ТОҲИР СОБИРОВ.
ГУЛШАН ҲАСАНОВА.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Программада — жаҳон халқларининг қўшиқ ва рақслари.

Концертмейстер — Нодира ШЕРАЛИЕВА.

Бадиий раҳбари —Мирсодиқ ТОЖИЕВ.

Программани — Света Тоҳирова олиб боради.

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан сотилмоқда.

«БАҲОР» КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
29 ДЕКАБРДАН 11 ЯНВАРГАЧА

Ҳар куни 9.30, 11.30, 14.00, 16.30 минутда

ТЕАТРЛАР ВА ЦИРК АРТИСТЛАРИ, ҲАМДА «БАҲОР» АНСАМБЛИ РАҚС ГРУППАСИНИНГ РАҚҚОСАЛАРИ ИШТИРОКИДА

«ЯНГИ ЙИЛ АРЧАСИ» ТОМОШАЛАРИ.

КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН ССР МОЛИЯ МИНИСТРЛИГИ ШУНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИКИ

СССР Олий Совети Президиумининг 1943 йил 30 апрелда қабул қилган «Аҳолидан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги Фармонининг 30-моддасига мувофиқ республиканинг молия органлари 1974 йилнинг январь ва февраль ойларида ҳамма шаҳарларда ва шаҳар типидаги жойларда

СОЛИҚ ҲИСОБИНИ ЎТКАЗАДИЛАР

ГРАЖДАНЛАР 1973 ЙИЛДА КУСТАР ВА ҲУНАРМАНДЧИЛИК, АҲОЛИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ, ИМОРАТ, КВАРТИРА, ХОНА ВА ҲОКАЗОЛАРНИ ИЖАРАГА ҚЎЙИШ ВА БОШҚАЛАРДАН КЕЛГАН ДАРОМАДЛАР ТЎҒРИСИДА РАЙОН (шаҳар) МОЛИЯ БЎЛИМЛАРИГА

1974 ЙИЛ 15 ЯНВАРДАН КЕЧИКМАЙ МАЪЛУМ ҚИЛИШЛАРИ КЕРАК

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўтган ойда граждандардан сотиб олинган буюмлар, шунингдек бажарилган ишлар (шахсий материалларини тадбиқ қилиб) кўрсатилган хизмат ва бошқалар учун ҳақ тўлаганлик ҳақида биринчи форма бўйича район (шаҳар) молия бўлимларига маълум қиладилар, шартнома бўйича граждандар томонидан ижарага берилган хоналар учун уларга тўлаш лозим бўлган ҳақ тўғрисида эса шартнома тузилгандан сўнг 15 кун мобайнида район (шаҳар) молия бўлимларига хабар қиладилар;

1973 ЙИЛ УЧУН

Ўз уйларида шахсий материалларидан фойдаланган ҳолда ёки махсус дастгоҳда корхоналар учун ишлаётган граждандарнинг иш ҳақлари тўғрисида корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар иккинчи форма бўйича 1974 ЙИЛ 10 ЯНВАРДАН КЕЧИКМАЙ РАЙОН (шаҳар). МОЛИЯ БЎЛИМЛАРИГА АХБОРОТ БЕРАДИЛАР.

Кооператив корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар СССР Олий Совети Президиумининг 1942 йил 10 апрелда қабул қилган «Маҳаллий солиқ ва йиғимлар тўғрисида»ги Фармонининг 12-моддасига мувофиқ иморат солиғи ва ер рентаси ҳақидаги ҳисоботларини район (шаҳар) молия бўлимларига

1974 ЙИЛ 15 ФЕВРАЛДАН КЕЧИКМАЙ ТАҚДИМ ҚИЛИШЛАРИ ЛОЗИМ

Мазкур фармоннинг 4, 17, 18-моддаларида кўрсатилганига мувофиқ шахсий уйлари бўлган граждандар маҳаллий солиқларни белгиланган уч муддат (20 март, 20 апрель, 20 май)да тўлайдилар.

Қарамоғида 3 дан ортиқ кишиси бўлган ишчи ва хизматчиларнинг маошидан олинадиган даромад солиғи уларнинг асосий иш жойларида 30 процент камайтирилади.

Бу имтиёзлар уй бошқармалари ва меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ Совети ижроия комитети томонидан берилган справкалар асосида амалга оширилади.

Справкалар ҳар йили топширилади ва у топширилган кундан бошлаб кучга киради. Ишчи ва хизматчилар қарамоғидаги кишилар сони тўғрисидаги ҳужжатни январь ойининг биринчи ярми, маош бериладиган кунгача агар ишга янги келган бўлса ёки қарамоғидаги кишилар сони маош тўланган кундан кейин кўпайган бўлса, справкалар шу кундан эътиборан 20 кун муддатда топширилади.

Қарамоғида учдан ортиқ кишиси бўлган эр-хотин ёлланма ишда бўлсалар, имтиёз уларнинг ўзаро келишувига мувофиқ биронталарига яратиб берилади.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЮЗАСИДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИДАН ҚУЙИДАГИЛАР ОЗОД ҚИЛИНАДИ:

— иморатлар банд қилган майдонлар билан биргаликда хўжалигидаги ер участкаси 0.15 гектардан ошмаган ишчи ва хизматчилар (шу жумладан пенсионерлар, ҳарбий хизматчилар, биринчи ва иккинчи группа инвалидлари, ҳамда ана шу даромадлари юзасидан уларга тенглаштирилган ҳолда солиққа тортиладиган бошқа граждандар);

—меҳнатга қобилиятли оила аъзоси билан бирга яшамаётган 60 ва ундан юқори ёшдаги эркаклар, 55 ва ундан юқори ёшдаги аёллар (хўжаликнинг ҳажмидан қатъи назар).

ЧУНОНЧИ, ҚУЙИДАГИЛАР ДАРОМАД СОЛИҒИ ТЎЛАМАЙДИЛАР:

—1 ва 2-группа уруш инвалидлари — иш ҳақи билан биргаликда ҳамма олаётган даромадлари юзасидан, даромаднинг ҳажмидан қатъи назар;

— иморатларини ижарага бериш юзасидан йилига 300 сўмгача миқдорида даромад қилаётган граждандар.

1974 йил 1 январдан эътиборан кустарь-ҳунармандчиликдан йилига 721 сўмдан то 3 минг сўмгача даромад олаётган граждандардан йиллик даромад солиғи ишчилар ва хизматчиларнинг асосий ишлаб турган жойидан олиб турган тегишли иш ҳақларидан тўланадиган даромад солиғининг йиллик суммасига баробар келадиган ставка бўйича даромад солиғи ундирилади.

Бундан ташқари 1973 йил декабрь ойи маошидан бошлаб асосий иш жойида 70 сўмгача иш ҳақи олаётган ишчилар ва хизматчилардан даромад солиғи ҳамда бўйдоқ, ёлғиз ва кам оилали СССР гражданларидан солиқ олиш тўхтатилади.

Юқорида айтиб ўтилган муддатдан бошлаб, асосий иш жойида ойига 70 сўмдан 90 сўмгача иш ҳақи олаётган ишчилар ва хизматчилардан олинадиган даромад солиғи ҳамда бўйдоқ, ёлғиз ва кам оилали СССР гражданларидан олинадиган солиқ ставкалари ўртача 35,5 процент камайтирилади.

ИМОРАТ ВА ЕР РЕНТАСИ СОЛИҒИДАН ҚУЙИДАГИЛАР ОЗОД ҚИЛИНАДИ:

— ҳарбий хизматчиларнинг оддий ва кичик раҳбарлик составига ва уларнинг оила аъзоларига тааллуқли бўлган иморатлар;

— пенсия, иморат ва томорқадаги ёрдамчи, қишлоқ хўжалигидан ташқари ҳеч қандай даромад манбаи бўлмаган пенсионерлар ва уларнинг оила аъзолари, агарда пенсионернинг ўзи шу иморатда яшаса ва уй бекаси, ҳамда ўқувчи болаларидан бошқа меҳнатга қобилиятли оила аъзолари яшамаётган бўлса;

— Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари ва I, II ҳамда III даражали Шуҳрат орденлари билан мукофотланган шахслар ўзлари ва оила аъзоларининг шахсий мулклари тариқасида яшаб турган, ана шу шахсларга ёки уларнинг оила аъзоларига шахсий мулк тарзида бўлган ёҳуд ана шу шахсларнинг умумий шахсий мулки бўлган иморатлари ва иморатларига тегишли бўлган участкалар, иморатлар ана шу иморатларидан ва участкаларидан ҳисобланган суммасидан 50 проценти миқдорида.

Бундай имтиёзларга эга бўлган граждандар солиқ ҳисоби вақтида молия органларига тегишли ҳужжатларни тақдим этишлари лозим.

Шаҳар ва шаҳар типидаги жойларда автомобиль, мотоцикл ва қайиқларга эга бўлган шахслар тегишли йиғимни меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетлари томонидан 1974 йил учун белгиланган муддатларда давлат банки муассасаларига тўлашлари керак. Давлат автоинспекциясининг шу йиғимни тўлаганлиги ҳақидаги давлат муассасасининг квитанцияси тақдим қилингандан кейингина транспорт воситаларини кўрикдан ўтказади ва рўйхатга олади.

Маълумот варақаси (1, ва 2-формалар), декларация (3-форма, ариза) ва иморат солиғи ҳамда ер рентаси бўйича ҳисоботни (4-форма) район (шаҳар) молия бўлимларидан олиш керак.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МОЛИЯ МИНИСТРЛИГИ.

Ўзбекистон ССР Коммунал хўжалик министрлигининг коллегияси, партия ва касаба союз ташкилотлари

Амин Эрматович
НИЁЗОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига ва қариндошларига таъзия изҳор этадилар.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти коллективи институт гидромелиорация факультети деканининг ўринбосари, «Қишлоқ хўжалик мелиорацияси» кафедрасининг мудири, доцент Ф. М. Раҳимбоевга онаси

Моҳибадар
РАҲИМБОЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ЎЗБЕКЧА КАЛЕНДАРЬ

Янги 1974 йил учун мўлжалланган ўзбекча календарь чоп этилди. «Ўзбекистон» нашриёти мазкур календардан 300 минг нусхада босди.

Тўққизинчи беш йилликнинг тўртинчи йили, Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг шонли ярим асрлик юбилейи нишонланадиган йил учун чиқарилган янги календарда революцион, жанговар воқеалар ўз аксини топган. Республикамиз экономикаси, фан ва маданияти тараққиётига оид материаллар ўрин олган. Календарни варақлаган киши фан ва маданият арбобларининг илмий ҳамда ижодий фаолиятига оид кичик мақолалар, шоирларнинг шеърларидан намуналар, донолар бисотидан олинган лавҳачалар билан танишади. Қардош социалистик мамлакатлар, тараққий этаётган давлатларнинг экономикаси ва маданияти ҳақида сўз юритилган.

Календардаги «Жонажон республикамизда», «Техника янгиликлари», «Аёллар, сизлар учун», «Ранг-баранг олам», «Донолар — ота-оналар ҳақида», «Фарзандларимиз учун», «Ёш оналарга» сингари рубрикаларда берилган материаллар ҳам қизиқ ва ўқимишли. Булардан ташқари жаҳон аҳолиси қанча, Ўрта Осиё шаҳарларида қуёш қачон чиқади-ю, қачон ботади, доривор ўсимликлар ҳақида, мучалингиз нима каби саволларга ҳам жавоб топиш мумкин. Шунингдек, врач маслаҳати, факт ва рақамлар, ҳикматли сўзлар, латифаларга ҳам ўрин берилган.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

КАМЧИЛИКЛАР ТУГАТИЛДИ

Шофиркончлик бир группа газетхонлар редакцияга йўллаган хат текшириш ҳамда чора кўриш учун Шофиркон район ижроия комитетига юборилган эди.

У ердан олинган жавобда айтилишича, текшириш ўтказилганида хатда кўрсатилган «Ленинобод» колхозининг Талисафед қишлоғидаги радио карнайлари ишламаслиги тасдиқланган. Текшириш натижаси колхоз правлениесида муҳокама қилинган. Ўз вазифаларига совуққонлик билан қараганликлари учун участка бош монтёри Қурбонов ва монтёр Сафаров жиддий огоҳлантирилган.

Ҳозир радио карнайлари нормал ишламоқда.

Олмалиқ шаҳар хавасқорлар саҳнасида ёшларнинг ҳар бир чиқишлари мухлислар олқишига сабаб бўляпти. Гитарачилар ансамбли ташкил этилганига ҳам кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин ансамбль репертуари жарангдор куй ва қўшиқлар билан бойитилган. Суратда: шаҳар гитарачилар ансамбли

Г. Пум фотоси. (ЎзТАГ).

ЯНГИ ЙИЛ АРАФАСИДА

Ўлкамизда Янги йил байрамига қизғин ҳозирлик кўриляпти. Республикамиз пойтахтида Россия ўрмонларидан келтирилган кўм-кўк арчалар сотила бошланди. Юз мингдан ортиқ арча шоҳбутаси шаҳарнинг 60 ерида ташкил этилган махсус дўкончаларда сотиляпти. Марказий ҳамда Бош универмаг ва бошқа катта-кичик саноат магазинларида арча безаклари учун алоҳида жой ажратилган. Сержилва ўйинчоқлар Тошкентдаги «Миконд» заводида тайёрланяпти.

Уй бекалари эса, Янги йил дастурхонини тўкин ва кўркам қилиш тараддудида. Бу борада уста пазандалар ўз билганларини баҳам кўришга шай бўлиб туришибди. Шаҳар ресторанларида махсус консультация — маслаҳат бериш хоналари очилган. Бу ерларда маҳоратли қандолатчилар гулдор торт ва пирожнийларни тайёрлаш бўйича кўпчиликни қизиқтирган саволларига жавоб беришса, пазандалар байрам дастурхонига кўнгилтусар таомларни тавсия қилишади. Бундан ташқари янги йил кечасини ресторанларда ўтказишни истаганлар, буюртма беришни кечиктирмаганлари маъқул.

Шаҳарнинг катта-кичик майдонларида эртаклардагидек безатилган дўкончаларда маданий хизмат кўрсатиш бошланди. Театр майдони ҳамда В. И. Ленин номли майдонда қад ростлайдиган энг баланд арчани безаш учун ҳозирлик кўриляпти.

Яна бир неча кундан кейин мактаб ўқувчилари қишки таътилга чиқадилар. Болаларнинг дам олишлари мазмунли ўтиши учун барча имкониятлар яратиляпти. Жумладан, 10 кун давомида цирк чироқлари порлаб туради. Қорбобо, қорқиз ва ёшларнинг севимли эртакларидаги қаҳрамонлар иштирокида томошалар кўрсатилади. Марказий «Юбилей» спорт саройида «Муз устида арча» байрами ўтказиш кўзда тутиляпти. Шунингдек сув спорти, саройи, пойафзал фабрикаси, маданият саройи, трактор заводи клуби, «Красная заря» фирмаси саройида, «Ташсельмаш» заводи клубида, М. Горький номидаги ҳамда Ленин комсомоли номидаги маданият ва истироҳат боғларида, «Баҳор» концерт залида, ёш томошабинлар театрида болаларнинг шодон кулгилари янграйди.

Ўқувчи-ёшлардан қарийб 190 минги арча байрами тантаналарида иштирок этади. Болаларга жами 1,5 миллионга яқин Янги йил совғалари ҳозирланяпти. Шаҳар киноэкранларида ёшлар учун мўлжалланган махсус программа асосида кинофильмлар намойиш этилади. Саёҳат ва туризм бўйича Тошкент область Совети алоҳида маршрутли экскурсиялар ташкил этишни режалаштирган. Жумладан, болалар дам олиш кунлари завод ва фабрикаларга, музей ва томошахоналарга олиб борилади. «Ёшлик» поезди 3-8 январь кунлари юқори синф ўқувчилари учун хизмат қилади. Ёшлар шаҳар четларига саёҳат қилиб, мириқиб дам оладилар.

СПОРТ ЯНГИЛИКЛАРИ

БАСКЕТБОЛ. Биринчи лига вакили «Университет» (Тошкент) командаси ўйинчилари чемпионат мусобақаларини муваффақиятли давом эттирмоқдалар. Баскетболчиларимиз ўз майдонларида Николаевнинг «Спартак» коллективи билан учрашиб, ғалаба қилишганини маълум қилгандик. Тошкентликлар такрорий ўйинда ҳам устун келдилар. Учрашув 86:79 ҳисобида мезбонлр фойдасига ҳал бўлди.

ХОККЕЙ. Кеча Ленинградда ўсмир-ёшлар командалари ўртасида ўтказилаётган халқаро турнирга старт берилди. Ёш хоккейчилар биринчи марта бундай катта мусобақада ўзаро куч синашадилар. Халқаро турнир Швеция — ЧССР командалари учрашувидан бошланди. Кейин СССР —Финляндия командалари майдонга тушдилар. Турнирда шунингдек АҚШ ва Канада командалари ҳам иштирок этмоқда.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Р. 01945. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. 304.